

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**4-сон**  
**(1024)**  
**2022 йил**  
**январь**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

24. «Ёшлар билан ишлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 25 январдаги ўРҚ-747-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

25. «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларини моддий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-58-сон Фармони
26. «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони

27. «Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 январдаги ПҚ–102-сон қарори
28. «Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПҚ–105-сон қарори
29. «Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги ПҚ–107-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

30. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 30 декабрдаги 53-2021-сон «Олий таълим муассасаларида таълим соҳалари (таълим йўналишлари) бўйича бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3345*)
31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 5 январдаги ИНЛ-1880/21-сон «Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2764-3*)
32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 5 январдаги ИНЛ-1878/21-сон «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2793-7*)
33. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2021 йил 27 декабрдаги 38-тн-сон «Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга ўзгартиш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1778-3*)
34. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2021 йил 27 декабрдаги 39-тн-сон «Умумий ўрта таълим муассасасининг кузатув кен-

- гаши ҳақидаги намунавий низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3118-1*)
35. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 5 январдаги ИНЛ-1874/21-сон «Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2893-5*)
  36. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2022 йил 13 январдаги 16-сон «Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3097-5*)
  37. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2022 йил 21 январдаги 257-сон «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3179-2*)
  38. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 29 декабрдаги 01-02/12-59-сон «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773-7*)
  39. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 27 январдаги 1-мх-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3287-1*)
  40. O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi va Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazining 2022 yil 27 yanvardagi 1 va 01/QQ-son «Toshkent davlat yuridik universiteti qoshidagi akademik litseyga o'qishga qabul qilish uchun test sinovlarini o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida»gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2022-yil 27-yanvarda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3346*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ****24 Ёшлар билан ишлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2021 йил 24 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 15 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган «**Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида**»ги ўРҚ–263-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 343-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 5, 267-модда, № 9, 592-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **6-модда** қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигини ва унинг ҳудудий бўлинмаларини — вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган ҳамда давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар ва оилалар аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан хабардор қилади»;

2) **8-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари»;

3) қуйидаги мазмундаги **17<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«17<sup>1</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари**

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўз ваколатлари доирасида:

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 26 январда эълон қилинган.

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади;

вояга етмаганларнинг ўз иқтидори ва истеъдодини тўлақонли намоён этишига, шунингдек уларнинг ўз қобилиятларини рўёбга чиқаришига монелик қиладиган омилларни аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўради;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида иштирок этади;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларни ижтимоий-педагогик жиҳатдан реабилитация қилишга ва уларнинг мослашувига кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган **«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»** ги ЎРҚ–371-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 129-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 589, 591-моддалар, № 10, 674-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **9-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **ўн бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари»;

2) қуйидаги мазмундаги **19<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«19<sup>1</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўз ваколатлари доирасида:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлашда ҳамда бартараф этишда кўмаклашади;

ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этиш-

га мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни (ёшларни) ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

ёшлар ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга, шунингдек коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган «**Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида**»ги ЎРҚ–406-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 271-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги мазмундаги **7<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«7<sup>1</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги махсус ваколатли давлат бошқаруви органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таҳлил қилади, шунингдек уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишга, шунингдек уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

хорижда ўқийдиган ёшлар билан ишларни тизимли асосда ташкил этади;

ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бар-тараф этиш ҳақида давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш масалалари бўйича давлат органлари ва ташкилотларининг ҳамкорлигини таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар кўради.

Махсус ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Махсус ваколатли давлат органи ва унинг ҳудудий бошқармалари давлат органлари ҳамда ташкилотларига ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурларнинг ижроси ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар тўғрисида асослантирилган тушунтиришлар тақдим этиш талаби билан сўровлар юборишга ҳақли.

Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари махсус ваколатли давлат органи билан мажбурий тартибда келишилади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган «**Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–444-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 508-модда; 2019 йил, № 9, 591-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **7-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **еттинчи хат-боши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари»;

2) қуйидаги мазмундаги **12<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«12<sup>1</sup>-модда.** Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўз ваколатлари доирасида:

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;



болаларнинг ҳар томонлама, уйғун ривожланишига ҳамда миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбияланишига кўмаклашувчи ахборотдан эркин фойдаланиш учун уларга шароитлар яратади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасида яқка тартибдаги профилактика ишларини амалга оширишда иштирок этади;

болаларнинг ахборотга оид ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, шунингдек маънавий-ахлоқий тарбиясига доир фаолиятда иштирок этади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**7-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 25 январь,  
ЎРҚ-747-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **25** Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларини моддий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомил- лаштириш тўғрисида\*

Аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, кўмакка муҳтож фуқароларга ва ёлғиз кексаларга пул ёрдами кўрсатиш кўламини кенгайтириш ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги «2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-3227-сон Фармонида мувофиқ имтиёзли тоифадаги шахслар учун уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича қонунчилик асосида бериладиган имтиёзлар ўрнига ойлик компенсация пул тўловлари (кейинги ўринларда — компенсация тўлови) жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, 2022 йил 1 мартдан бошлаб:

а) компенсация тўлови, уни олиш ҳуқуқига эга бўлган барча имтиёзли тоифадаги шахсларга, ушбу шахсларнинг пенсия (ижтимоий нафақа) олиши ёки олмаслиги ҳамда меҳнат фаолиятини олиб бориши ёки олиб бормаслигидан қатъи назар тўлаб борилади;

б) ижтимоий нафақа олувчи ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз шахсларга компенсация тўлови жорий этилади.

Бунда, ижтимоий нафақа олувчи ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз шахслар учун ҳар ойлик компенсация тўлови — пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 45 фоизи миқдорида тўланади;

в) ёши 100 га тўлган ва ундан ошган ижтимоий нафақа олувчи шахслар учун ҳар ойда — пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 100 фоизи миқдорида қўшимча тўлов белгиланади.

Бунда, 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар нафақасига ҳар ойда тўланадиган қўшимча тўлов пенсия ва нафақа тайинланган ташкилот орқали республика бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

3. Молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 январда эълон қилинган.

агентлиги ушбу Фармон мақсади, вазифалари ва бундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

5. Ушбу Фармон ижросини самарали ташкил қилишга ҳамда компенсация ва қўшимча тўловларнинг фуқароларга пенсия ва нафақа тўланадиган муддатларда тўлаб борилишини таъминлашга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 28 январь,  
ПФ-58-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**26 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида\*\***

Мамлакатимизни 2017 — 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Миллий иқтисодий ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

\*\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 29 январда эълон қилинган.

хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда худудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Сўнги беш йиллик ислохотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон кадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида:

1. Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида «Харакатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган қуйидаги етти устувор йўналишдан иборат 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси (кейинги ўринларда — Тараққиёт стратегияси) ва уни «Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) 1 ва 2-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин:

инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;

миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;

мамлакатимиз хавфсизлиги ва муҳофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

2. Тараққиёт стратегиясида инсон кадрини улуғлашга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя сиёсати бўйича белгиланган вазифалар доирасида:

а) 2026 йилга қадар эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан тўлиқ қамраб олинсин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С. Холхўжаев), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р. Маматов) ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатла-

---

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ри вазирлиги (Н. Хусанов) билан биргаликда уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий стратегияси лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

ижтимоий ҳимоя соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

ижтимоий суғурта тизимини яратиш, жумладан ижтимоий суғурта жамғармасини ташкил этиш;

кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам ва хизматларни ижтимоий шартнома асосида тақдим этиш;

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида ёрдамга муҳтож аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базасини яратиш, жумладан «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»ни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» билан интеграция қилиш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида биринчи-тўртинчи синф ўқувчиларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул овқат (нонушта ёки тушлик) билан таъминлаш йўлга қўйилсин.

Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев), Молия вазирлиги (Т. Ишметов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда 2022 йил 1 апрелдан бошлаб биринчи-тўртинчи синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлашни ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, лойиҳада ажратиладиган маблағлар сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва коррупциявий омилларнинг олдини олиш бўйича аниқ механизмлар назарда тутилсин;

в) 2023 йил 1 январдан бошлаб пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробаригача оширилсин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига қуйидаги ўзгартиришлар киритилишини назарда тутувчи Қонун лойиҳасини киритсин:

аёлларга пенсия ҳисоблашда уларнинг болани парваришлаш таътилида бўлиш вақтининг ҳаммасини жамлаганда иш стажига қўшиб ҳисобландиган 3 йиллик даврни 6 йилга ошириш;

болаликдан ногиронлиги бўлган болаларга 18 ёшгача қаралган даврни пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисоблаш.

3. Маҳалланинг «фаол» моделини жорий этиш, уни аҳоли муаммоларини бевосита ҳал қилиш ҳамда ҳудудни ривожлантириш учун зарур ресурс ва имкониятлар билан таъминлаш мақсадида 2022 йилда:

маҳаллаларда янги институт сифатида жорий қилинган тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчилари ҳамда ёшлар етакчилари фаолияти самарали йўлга қўйилсин;

барча даражадаги раҳбарлар маҳаллага тушиб, ўз йўналиши бўйича муаммоларни ўрганиши ва уларга ечим топиши тартиби жорий этилиб,

маҳалладаги ишларнинг ҳолати вазирлик, идора ва ҳокимликлар фаолиятини баҳолашнинг бош мезони сифатида белгилансин;

маҳалладан туриб барча давлат органларига мурожаат қилиш ва уларнинг раҳбарлари билан мулоқот қилиш тизими яратилиб, давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали алоқаларни йўлга қўйиш орқали маҳаллаларнинг халқ олдидаги нуфузи оширилсин;

маҳаллаларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, молиявий имкониятлари кенгайтирилсин;

маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари» ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, уларда истиқомат қилиб, фаолият юритувчи аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлиги оширилсин;

маҳалла ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида спорт ва маданий иншоотлар, ижодий клублар, бандликка кўмаклашиш ва ўқитиш марказлари, тадбиркорлик объектлари каби инфратузилмани яратиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилсин;

маҳаллани жойлардаги вакиллик органлари билан доимий алоқаларининг ҳуқуқий асосларини яратиш, шу жумладан маҳалла раиси томонидан маҳаллий Кенгаш мажлисида кўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритишнинг самарали механизмлари йўлга қўйилсин;

фуқаролар томонидан маҳалла раисига нисбатан ишончсизлик билдириш институти жорий этилсин.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р. Маматов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (М. Убайдуллаев) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда кенг жамоатчилик, шу жумладан маҳалла тизимида кўп йиллик иш стажига эга ходимларни жалб қилган ҳолда маҳалла фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури ва янгиланган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Тараққиёт стратегиясида таълим сифатини ошириш бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда:

а) 1 апрелдан бошлаб нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юбораётган ота-оналарнинг ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловлари даромад солиғидан озод этилсин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Қудбиев) билан биргаликда икки ой муддатда Солиқ кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) ўрта таълим тизимини замон талабларига мослаштириш мақсадида: умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларни янгилаш дастурини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 605 млрд сўм ажратилсин;

141 мингта янги ўқув ўринлари яратилсин ва уларнинг сони 2026 йил якунига қадар 6,4 миллионгача етказилсин.

Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов) Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда янги ўқув ўринларини яратиш ва мактаб ўқувчиларини касб-хунарга ўқитиш бўйича чораларни кўриб борсин.

5. Тараққиёт стратегиясида аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда:

а) ҳудудларда бирламчи тиббий хизматини «бир қадам» тамойили асосида йўлга қўйиб, 105 та оилавий шифокор пункти ва 31 та оилавий поликлиника ташкил этилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳудудларда тегишли қурилиш ишларини 2022 йил якунига қадар якунлаш бўйича амалий чораларни кўрсин;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) Молия вазирлиги (Т. Ишметов) билан биргаликда икки ой муддатда хусусий тиббиёт ташкилотларида Давлат бюджети ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволашга йўллашнинг электрон ахборот тизими орқали уларга бепул тиббий хизматларни кўрсатиш механизми жорий қилинишини таъминласин.

6. Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов) ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Президент таълим муассасалари агентлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда 2022 йил 1 июлга қадар:

2022 йилда иқтидорли ўқитувчи ва шифокорларнинг иш ҳақларини малака тоифасига қараб табақалаштирилган ҳолда ошириш;

халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда ўқитувчи ва шифокорларга малака тоифаларини бериш тартиби тубдан қайта кўриб чиқишини таъминласин ҳамда малакани баҳолаш услуги асосида адолатли ва шаффоф тизимни жорий этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида:

а) 2022 йилда йиллик инфляция даражасини 9 фоизгача ва 2023 йилда 5 фоиз ҳамда фискал тақчилликни 3 фоизгача пасайтириш чоралари кўрилиб, кейинчалик инфляция ва Давлат бюджети тақчиллиги ушбу кўрсаткичдан ошмаслиги таъминлаб борилсин.

Бунда, давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улуши 60 фоизгача чиқарилсин.

Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Қўчқоров) Марказий банк (М. Нурмуратов) билан биргаликда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича амалий чораларни доимий равишда кўриб борсин;

б) 2023 йилдан қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизгача ҳамда банк, молия ва телекоммуникация каби тадбиркорлик йўналишларида фойда солиғи ставкаси 15 фоизгача туширилсин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Кудбиев) билан биргаликда 2022 йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) «Яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш орқали 2026 йилга қадар иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини 20 фоизга қисқартириш чоралари кўрилсин.

Ушбу кўрсаткичларга эришиш мақсадида қуйидаги лойиҳалар Вазирлар Маҳкамасига киритилсин:

Энергетика вазирлиги (А. Султанов), Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров) 2022 йил 1 мартга қадар — қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий, тижорат ва маъмурий-маиший бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш дастурлари;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б. Абдиназаров), Энергетика вазирлиги (А. Султанов) 2022 йил 1 июнга қадар — саноат тармоқларида йўқотишларни камайтириш ва ресурсларни ишлаши самарадорлигини ошириш бўйича «яшил иқтисодиёт»га ўтиш ва энергия тежамкорлигини таъминлаш дастури ҳамда электромобиллар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни рағбатлантириш тизимини яратиш бўйича қарор.

8. Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ тумани учун махсус солиқ ставкаларини ўрнатиш тажрибаси асосида шароити «оғир» бўлган туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча қулайликлар яратиш ишлари давом эттирилсин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Кудбиев) билан биргаликда 2022 йил 1 октябрга қадар шароити «оғир» бўлган ҳудудларда 2025 йил 1 январгача янги ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларига айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 1 фоиз ставкада ҳамда юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлари ҳисобланган суммадан 1 фоиз ставкада тўлаш тизимини жорий этиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. 2022 йилдан бошлаб босқичма-босқич тадбиркорликка оид барча мажбурий талабларни ягона электрон реестрга киритиш тартиби жорий этилсин ҳамда такрорланувчи ва ўз аҳамиятини йўқотган мажбурий талаблар қайта кўриб чиқилиб, ягона реестр 2025 йил 1 июлдан бошлаб тўлиқ ишга туширилсин.

Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Д. Қосимов) ва Савдо-саноат палатаси (А. Икрамов) билан биргаликда уч ой муддатда тад-



биркорлик соҳасидаги мажбурий талабларни хатловдан ўтказиб, уларни қайта кўриб чиқиш ва тегишли йўналишлар бўйича ягона реестрга кириштириш ҳамда ушбу реестрни 2025 йилга қадар тўлиқ ишга тушириш юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

10. 2022 йил 1 апрелга қадар тадбиркорлик субъектларида масофавий (онлайн) фаолият кўрсатиш имкониятларининг мавжудлигидан ҳамда уларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, лицензия ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни олиш тартиб-таомиллари қўйидагиларни инобатга олган ҳолда соддалаштирилсин:

айрим фаолият турларига фақат малакавий талабларни белгилаш орқали бино ва иншоот, хона, асбоб-ускуна, техника воситалари, бошқа жиҳозлар ҳамда уларга бўлган шартларни бекор қилиш;

фаолият йўналишидаги эҳтиёждан келиб чиқиб мутахассисни танлаш ҳуқуқини бериш орқали штатида мавжуд бўлиши шарт бўлган ходимларга бўлган талабларни қайта кўриб чиқиш;

муайян фаолият билан кўчма тартибда, шу жумладан автотранспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда шуғулланиш имкониятини яратиш;

хизмат кўрсатиш мамлакат ҳудудидан ташқарисида амалга оширилиши сабабли хориждан келган буюртмалар бўйича миллий стандарт ва талабларни бекор қилиш;

«боғловчи-оператор» сифатида масофавий хизматни кўрсатишга ихтисослашган тадбиркорлик субъектлари (агрегаторлар) фаолиятига доир махсус шартларни белгилаш орқали айрим лицензия ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни олиш бўйича талабларни бекор қилиш.

Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда лицензия ва рухсат этувчи ҳужжатлар талабларининг мазкур бандга мувофиқ қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

11. Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий сектор учун кенг йўл очиш мақсадида эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш ва давлат иштирокидаги компанияларни хусусийлаштириш ҳисобига 25 дан ортиқ фаолият тури бўйича монополиялар тугатилсин:

2022 йилда — 14 та, шу жумладан сертификатлаштириш хизматлари;

2023 — 2025 йилларда — 11 та, шу жумладан нефть маҳсулотларини сақлаш, темир йўлларда ташишда қўшимча хизматларни кўрсатиш, аэровокзал ва вокзал олди комплексларини юритиш хизматлари, темир йўлда экспедиторлик хизматлари.

12. Тараққиёт стратегиясида ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар доирасида ҳудудлар билан ишлашнинг қўйидагиларни назарда тутувчи янги тартиби ўрнатилсин:

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар асосида ҳар йили барча ту-

ман ва шаҳарнинг муаммо ва имкониятларини чуқур ўрганган ҳолда ҳудудлар кесимида тараққиёт дастурлари ишлаб чиқилади;

ҳар чорак якуни бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидаги вазифаларнинг бажарилиши юзасидан халқ депутатлари Кенгашларига, Бош вазирнинг ўринбосарлари ҳамда вазирлик ва идоралар раҳбарлари эса Олий Мажлис палаталарига ҳисобот беради;

ижтимоий-иқтисодий соҳани ислоҳ қилиш ва устувор тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган муҳим лойиҳалар барча ҳудудларнинг талаблари ва маҳаллий ташаббускорларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда маҳаллий жамоатчилик иштирокида кенг муҳокама қилинганидан кейин қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган республиканинг ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар лойиҳаларини тасдиқласин.

13. Давлат бошқаруви органларининг «Давлат — инсон учун» тамойили асосида ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш ҳамда уларнинг стратегик йўналишларни режалаштиришга қаратилган янги тизим яратиш мақсадида:

маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчилари ҳамда ёшлар етакчилари томонидан доимий равишда маҳаллани ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасига кўра уларни ривожлантириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш амалиёти йўлга қўйилсин;

барча бўғиндаги давлат бошқаруви органларининг бир йиллик иш дастурини, шу жумладан жамоатчилик иштирокида ишлаб чиқиш, уларнинг ижро ҳолатини доимий эълон қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилсин;

давлат органларида мурожаатларни таҳлил қилиш, ижтимоий сўровлар ва жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш натижаларидан келиб чиқиб, ҳудудлар (туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла) кесимида ўз тузилмаларининг фаолияти бўйича дастурлар ишлаб чиқилиб, эълон қилиб борилсин;

давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ижро этилиши жараёнини жамоатчилик томонидан кузатиб бориш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида мунтазам эълон қилиб бориш тизими яратилсин;

ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилсин.

Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тўрт ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган тизимни самарали йўлга қўйиш юзасидан қарор лойиҳасини киритсин.

14. Давлат хизматлари қамрови ва тезкорлигини ошириш, уларнинг кўрсатилишида аҳолининг барча қатламлари манфаатлари инобатга олиншини таъминлаш мақсадида 2022 йилда:

фуқароларга ҳужжатларни бериш ва алмаштиришда, шунингдек ўзаро

боғлиқ давлат хизматларини мурожаатни кутмасдан таклиф этиш амалиёти йўлга қўйилсин;

«Фуқароларнинг рақамли паспорти» лойиҳасини жорий қилиш ҳисобига аҳолидан туғилганлик тўғрисида ва ҳайдовчилик гувоҳномалари, шаходатнома ва диплом каби муайян фактни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш амалиёти бекор қилинсин;

кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш тизимини содалаштириш ва уларга замонавий технологияларни жорий этиш орқали қўшимча қулайликлар яратилсин.

Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов) 2022 йил 1 октябрга қадар давлат хизматлари тизимини халққа янада яқинлаштириш, навбатларни қисқартириш, давлат хизматларини рақамлаштириш ва хусусий секторга ўтказиш чораларини назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Тараққиёт стратегиясида адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда:

ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга жиноят ишлари билан бир қаторда фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳам давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш тартиби жорий этилсин;

қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ноқонуний эмаслигини маъмурий судда исботлаш мажбуриятини, уни қабул қилган мансабдор шахснинг ўзига юклаш тартибига амал қилиниши қатъий таъминлансин;

ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона онлайн электрон реестр юритилиши йўлга қўйилсин.

16. Жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг келгусида жамиятда ўз ўрнини топишига амалий кўмаклашиш учун «дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети»ни бериш тизими жорий қилинсин.

Ушбу тизим доирасида жазони ўтаб бўлган ва ўзининг тадбиркорлик, меъморчилик, хунармандчилик каби йўналишларда аниқ лойиҳаларини тақдим этиб, мустақил фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқароларга бир марталик моддий ёрдам бериш амалиёти йўлга қўйилсин.

Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) уч ой муддатда «дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети»ни бериш тизимини ишга туширишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов) ва Транспорт вазирлиги (И. Махкамов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда ривожланган мамлакатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини қисқартириш бўйича дастур лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, йўл инфратузилмасини халқаро стандартларга мослаштириш,

ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш, йўлларда хавфсиз ҳаракатланиш учун барча иштирокчиларга муносиб шароитларни яратиш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлашга ҳамда «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали йўналтириладиган маблағлардан айнан мазкур йўналишда самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилсин.

18. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) ҳамда унинг ишчи гуруҳи таркиблари 3 ва 4-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

Комиссия ва ишчи гуруҳ зиммасига Тараққиёт стратегиясига киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ва мониторинг қилиш, шунингдек, уни 2023 — 2026 йилларда амалга ошириш бўйича тегишли йиллик давлат дастурлари лойиҳаларининг тайёрлалишини мувофиқлаштириш вазифаси юклансин.

19. Белгилаб қўйилсинки:

Тараққиёт стратегиясини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш барча давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг устувор вазифаси ҳисобланади;

Тараққиёт стратегияси беш босқичда, юртимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилилишини назарда тутган ҳолда амалга оширилади.

20. Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда «Тараққиёт стратегияси» маркази таъсисчиларининг «Тараққиёт стратегияси» марказининг фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқ тадқиқот ва «ақл» маркази сифатида қайта ташкил этиш ҳамда қўйидаги қўшимча вазифалар юклатиш тўғрисидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин:

тегишли йўналишларда аниқланган тизимли муаммоларни, жумладан бюрократик тўсиқлар, қонунчиликдаги номувофиқликлар, ишламаётган ҳуқуқий механизмлар, эскириб кетган қоидаларни умумлаштириш;

кўтарилаётган тизимли муаммолар ва Тараққиёт стратегиясида юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, тегишли давлат органлари вакиллари билан учрашув ва мулоқотлар ташкил этиб бориш;

тадбиркорлар, олимлар, экспертлар ҳамжамияти ва жамоатчилик вакиллари билан бирга тизимли муаммоларни муҳокама қилган ҳолда, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

тегишли йўналишлар бўйича мавзули ижтимоий сўровлар ўтказиш ва уларнинг натижалари бўйича илмий изланишлар олиб бориш.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда «Тараққиёт стратегияси» марказининг фаолиятини илғор хорижий тажриба асосида ташкил этиш, шу-

---

\* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нингдек ислохотларни амалга ошириш жараёнига жамоатчиликни жалб қилиш учун «илмий майдон» яратиш бўйича чораларни кўрсин.

21. «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ва «Ватандошлар» фондининг Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнларига миллий ва халқаро ҳамжамиятни кенг жалб қилиб боришга қаратилган қуйидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин:

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида белгиланган мақсадларга эришилганлик даражасини баҳолаб бориш мақсадида «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ҳузурида фуқаролик жамияти институтлари вакилларида иборат йиллик муқобил ҳисоботлар тайёрлаб боровчи Мустақил мониторинг ва баҳолаш жамоатчилик гуруҳини ташкил этиш;

худудларда нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, экспертлар ва маҳалла фаолларидан иборат Тараққиёт стратегиясини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик гуруҳларини ташкил этиш ва тизимли равишда жамоатчилик эшитувларини ўтказиб бориш;

фуқаролар томонидан кўтарилаётган ташаббусларни умумлаштириб, фуқаролик жамияти институтларини жалб қилган ҳолда жамоатчилик лойиҳаларини илгари суриш.

22. «Тараққиёт стратегияси» маркази Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳолати юзасидан таҳлилий ва ахборот материалларини Интернет жаҳон ахборот тармоғида ва оммавий ахборот воситаларида акс этириб бориш чораларини кўрсин.

23. «Тараққиёт стратегияси» маркази ва «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурининг жойлардаги ижроси натижадорлигини аҳолига етказиш бўйича онлайн портални ишга туширсин.

Бунда, чора-тадбирлар ижроси бўйича аҳолининг фикрлари, таклиф ва эътирозларини қабул қилган ҳолда илгари сурилган ташаббуслар тизимлаштирилиб, ҳар ойда Республика комиссиясига киритиб борилсин.

24. Вазирлар Маҳкамаси:

мунтазам равишда Тараққиёт стратегияси, Давлат дастури ва худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этсин;

ҳар чоракда Тараққиёт стратегияси, Давлат дастури ва худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ижро этиш ҳолатини ҳар томонлама муҳокама қилиб, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда уларга йўл қўйган мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш чораларини кўриб борсин;

Тараққиёт стратегиясини кейинги йилларда амалга ошириш бўйича йиллик давлат дастурлари лойиҳаларини ўз вақтида тайёрлаб борилишини таъминласин.

25. Адлия вазирлиги Ҳисоб палатаси, «Тараққиёт стратегияси» маркази ва «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати билан биргаликда:

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастури амалга оширилишининг бо-

ришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилиши, келишилиши, жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирилишига амалий ёрдамни кўрсатиб борсин;

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурини амалга ошириш якунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминласин;

мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда Республика комиссиясига киритиб борсин.

26. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов) оммавий ахборот воситалари билан биргаликда мунтазам равишда:

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида ва ижтимоий тармоқларда кенг шарҳлаб борилишини ҳамда унинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка тушунтирилишини;

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг бориши ва натижалари тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумот аҳолига тезлик билан етказилишини таъминласин.

27. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Мазкур Фармон ижросини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Республика комиссияси зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 28 январь,  
ПФ-60-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**27 Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

2019 — 2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича миллий дастур доирасида диагностика ва даволашнинг янги стандартлари тасдиқланди, 75 минг нафарга яқин беморлар 40 миллиард сўмдан зиёд Давлат бюджети маблағлари ҳисобига 100 фоиз инсулин билан бепул таъминланди, 200 миллиард сўмга яқин маблағ эвазига 14 та ҳудудий эндокринология муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, 3,3 миллион АҚШ доллари миқдорда замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Шу билан бирга, эндокринология хизматини республика бўйича ягона интеграциялашган тизим сифатида шакллантириш, йод етишмовчилиги билан боғлиқ касалликлар профилактикаси, қандли диабет касаллиги ҳамда унинг оқибатларининг олдини олиш билан боғлиқ тиббий-ижтимоий тадбирлар самарадорлигини қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда.

Аҳолига кўрсатилаётган эндокринологик ёрдамнинг самарали ҳамда замонавий тизимини шакллантириш, касалликлар ва уларнинг асоратлари профилактикасини такомиллаштириш, аҳолига юқори малакали эндокринология ёрдамини кўрсатиш сифатини ҳамда ушбу йўналишдаги тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар аҳолига кўрсатилаётган эндокринология хизматини ташкил этишнинг энг муҳим йўналишлари этиб белгилансин:

а) академик Ё. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда — Марказ) — ҳудудий тиббиёт муассасалари — туман (шаҳар) тиббиёт муассасалари ўртасида тизимли узвий боғлиқликни таъминлаш;

б) соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида эндокрин касалликлар профилактикаси, уларни барвақт аниқлаш ва бошқариш дастурларини амалиётга жорий этиш. Бунда:

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ва оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш ҳамда жисмоний фаолликни оширишни тарғиб этиш;

оилавий шифокорларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали касалликни барвақт аниқлаш ва олдини олиш кўламини кенгайтириш;

туман (шаҳар) тиббиёт муассасалари тор соҳа мутахассислари фаолиятига эндокрин касалликларни эрта ташхислаш, асоратларининг олдини олиш алгоритмларини жорий қилиш;

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 27 январда эълон қилинган.

в) қандли диабетга чалинган беморларнинг замонавий диспансер назорати (онлайн регистр) тизимини жорий этиш орқали ҳар бир бемор ҳолатининг мониторингини юритиш;

г) аҳолининг касалликка чалиниш хавфи юқори бўлган гуруҳлари, жумладан, болалар, ўсмирлар, хомиладор ва эмизикли аёлларни йод препаратлари билан бепул таъминлаш орқали йод танқислиги касалликларининг самарали профилактикасини таъминлаш;

д) «Профилактика мактаблари»га тор соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда беморлар ва уларнинг оила аъзоларига эндокрин касалликни бошқариш усулларини ҳамда касаллик билан яшашни ўргатиш;

е) ташхислаш ва даволашнинг юқори технологияли ҳамда инновацион усулларини амалиётга жорий этиш орқали ҳудудларда ва Марказда юқори технологик жарроҳлик амалиётлари улушини ошириш;

ж) эндокринология йўналишида илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш, соҳа ходимларининг илмий салоҳиятини ошириш.

2. 2022 йил 1 апрелдан бошлаб эндокрин касалликларни эрта аниқлаш ва мақсадли кузатишни таъминлаш учун қўйидагиларни назарда тутувчи тиббий кузатув ва патронажнинг янги модели жорий этилсин:

оилавий шифокорларни эндокрин касалликларни ташхислаш ҳамда даволаш бўйича қайта тайёрлаш;

эндокрин касалликлар мавжуд оилаларга махсус тайёргарликдан ўтган патронаж ҳамширасини бириктириш;

патронаж ҳамшираси томонидан эндокрин касаллиги бўлган, умумий ҳолати қониқарли ёки хавф гуруҳидаги аҳолини эрта аниқлаш ва дифференциаллашган ёндашув асосида кузатиб бориш;

тиббий кузатув натижалари бўйича хавф омиллари юқори бўлган беморларни шифокор олди кўриги хоналари ҳамширалари ҳамда оилавий шифокорларга йўналтириш;

эндокрин касалликлар бўйича хавф гуруҳига кирувчи беморлар устидан доимий кузатув ўрнатиш мақсадида барча тиббиёт бригадаларини глюкометр ва махсус тест япроқчалари билан таъминлаш;

ташхислаш ва даволаш мақсадида беморларни бир кунлик диагностик стационар кузатиш тизимини жорий этиш.

3. 2022 — 2024 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

а) ҳар йили камида бир марта 40 ёшдан ошган аҳоли қандли диабет ва диабет олди ҳолатлари учун мақсадли скринингдан ўтказилади ҳамда эндокрин касалликлар аниқланган беморлар билан мунтазам алоқа ўрнатилади. Бунда, сурункали эндокрин касалликлар ривожланишининг олдини олиш учун эндокрин касалликларни даволашнинг замонавий клиник протоколлари ва алгоритмлари жорий этилади;

б) 2022 йил 1 февралдан бошлаб анъанавий ва масофавий (аралаш)

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



усулда тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими йўлга қўйилади. Бунда:

патронаж ҳамширалари ҳамда оилавий шифокорлар учун эндокрин касалликларнинг олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволаш бўйича икки ҳафталик ўқув курслари ташкил этилади;

эндокринолог шифокорларни қайта тайёрлаш учун уч ярим ойлик ўқув курслари йўлга қўйилади. Бунда, улар дастлабки икки ярим ой давомида Марказда ўқитилади ҳамда бир ой давомида туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида амалиёт ўтайди;

худудларда фаолият юритаётган эндокринолог шифокорларнинг малакасини ошириш учун бир ойлик ўқув курслари ташкил этилади;

в) 2022 йил 1 апрелга қадар:

зарур глюкометр, махсус тест япроқчалари ҳамда игналар марказлашган тартибда харид қилинади ва тиббиёт бригадаларига етказилади;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида белгиланган стандартларга мувофиқ жиҳозланган шифокор олди кўриги хоналари ташкил этилади;

туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларидаги эндокринолог шифокор хоналари зарур тиббий ускуналар билан жиҳозланади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 25 ёшгача бўлган қандли диабетнинг биринчи тури билан касалланган беморлар аналогли инсулин ҳамда ўзини ўзи назорат қилиш воситалари (глюкометр ва махсус тест япроқчалари) билан;

қандсиз диабет билан касалланган беморлар, соматотроп етишмовчилик билан касалланган болалар ҳаётий зарур махсус дори воситалари (десмопрессин ва ўсиш гормони) билан;

25 ёшдан ошган қандли диабетнинг биринчи тури билан касалланган инсулинга муҳтож, шунингдек, қандли диабетнинг иккинчи тури билан касалланган беморлар одам инсулини билан;

қандли диабетнинг иккинчи тури билан касалланган ҳамда эҳтиёжманд сифатида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»да бўлган беморлар метформин дори воситаси билан бепул таъминланади;

б) беморларга бепул бериладиган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар марказлашган тартибда харид қилинади ҳамда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари орқали тақсимланади.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан давлат-хусусий шериклик асосида 2020 йилнинг 10 февralида «Тошкент шаҳрида намуна сифатида марказлаштирилган клиник диагностика лабораториясини ташкил этиш, жиҳозлаш ва эксплуатация қилиш тўғрисида»ги 1-33К-сон концессия шартномаси имзоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев):

Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда концессия шартномаси доирасида 2022 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳридаги барча поликлиника ва туман тиббиёт бирлашмалари лабораторияларини марказлаштириш;

2022 йил якунига қадар тажриба сифатида ҳар бир ҳудуддан биттадан туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси муассасаларининг лабораторияларини марказлаштириш ва давлат-хусусий шериклик асосида аутсорсингга бериш чораларини кўрсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) 2023 йил 1 апрелгача тажриба натижаларига мувофиқ лаборатория хизматини яхшилаш юзасидан асосланган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, глюкометр, махсус тест япроқчалари ва игналар, десмопрессин, ўсиш гормони, аналогли инсулин, одам инсулини ҳамда метформин махсус дори воситаларини харид қилиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан 2022 йилда соғлиқни сақлаш тизими учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан;

шифокор олди кўриги ва эндокринолог шифокор хоналарини ташкил этиш ҳамда зарур тиббий ускуналар билан жиҳозлаш, шунингдек марказий лабораторияларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар тегишли маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда мазкур қарор талабларига мувофиқ тегишли ҳудудларда 2022 — 2024 йилларда эндокринология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқсин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида кўриб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг оилавий поликлиникалар ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларидаги катталар ва болалар шифокор эндокринологи лавозимларининг штат меъёрларини бир штат бирлигидан кам бўлмаган миқдорда белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Иноятов) Молия вазирлиги (Ж. Аброев), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Б. Умурзаков) билан биргалликда бир ой муддатда оилавий поликлиникалар ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари штат меъёрларини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) Қурилиш вазирлиги (Б. Зокиров), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж. Артикходжаев) билан биргалликда Марказ ҳамда унинг кўп тармоқли клиникаси янги бино ва иншоотларини қуриш, таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишларини 2022 йил 1 майга қадар якунлаш чораларини кўрсин.

Бунда, замонавий талаблар асосида зарур йўналишдаги бўлимларни, шунингдек, махсус лабораторияларни яратишни назарда тутган ҳолда қурилиш ишлари олиб борилиши ва тиббий техникалар билан жиҳозланиши таъминлансин.

11. Қуйидагилар Марказнинг эндокрин касалликларнинг олдини олиш ва даволаш соҳасидаги қўшимча вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

метаболик синдром йўналишида фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

метаболик жарроҳлик амалиётларини амалга ошириш, эндокрин касалликларни рентгенэндovasкуляр ташхислаш ва даволаш ҳамда буйрак усти безларига жарроҳлик аралашувининг каминвазив эндовизуал усулларини жорий этиш;

дори воситаларининг ножўя таъсирини ўрганиш ва минималлаштириш доирасида марказлашган клиник синовлар менежменти ва сифат назорати тизимини яратиш;

хорижий давлатларнинг мазкур соҳадаги илмий ташкилотлари ва марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ҳамда биргаликда тадқиқотларни олиб бориш;

коронавирусда қандли диабетнинг кечишини илмий-амалий жиҳатдан ўрганиб, унинг олдини олиш бўйича стандартларни ишлаб чиқиш;

соҳа мутахассисларини ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Марказ ҳамда худудий тиббиёт муассасаларидан шаффоф танлов асосида танлаб олинган 50 нафаргача эндокринолог мутахассисларни ҳар йили нуфузли хорижий эндокринология марказларида малака оширишга юбориш, шунингдек, Марказнинг илмий малака кенгаши фаолиятига етакчи хорижий мутахассисларни жалб этиш чораларини кўрсин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) Молия вазирлиги (Т. Ишметов) билан биргаликда икки ой муддатда:

соғлиқни сақлаш муассасаларида пуллик хизматларни ривожлантириш ҳамда тиббий хизматлар нархларини бозор механизмлари асосида шакллантириш;

худудий эндокринология диспансерлари фаолиятида ҳар бир даволанган ҳолат асосида молиялаштириш механизмини, беморларни ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тизимини жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С. Кариев), икки ой муддатда эндокринология соҳасида махсус дори воситалари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар фаолиятини кенгайтириш, шунингдек, глюкометр ва махсус тест япроқчаларини республикада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

15. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликлар ва уларнинг хавф омилларига қарши курашиш ҳамда олдини олиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар бўйича махсус туркум

дастурларни вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқсин ҳамда оммавий ахборот воситаларида тарғиб қилиб борсин.

16. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, аҳоли ўртасида кенг ёритилишини таъминласин.

Бунда, эндокрин касалликларда соғлом турмуш тарзининг аҳамияти, дори воситаларини ҳамда ўзини ўзи назорат қилиш воситаларини қўллашга оид махсус кўрсатувлар, ижтимоий рекламалар ва роликларнинг мунтазам намойиши йўлга қўйилсин.

17. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Б. Мусаев, Марказ директори Ф. Тураев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарорнинг ўз вақтида ва натижали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Тўйчиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 26 январь,  
ПҚ-102-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**28 Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Сўнги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш бўйича салмоқли ишлар бажарилди. Хусусан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини рақамлаштириш орқали уларнинг очиклиги ва шаффофлиги таъминланиб, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинмаганлиги сабабли дастлабки тергов органлари томонидан жиноятлар ҳақида хабарларни кўриб чиқиш ва жиноят ишларини юритишда маълумотлар алмашинуви самарали йўлга қўйилмасдан, қоғоз шаклида амалга оширилмоқда.

Жиноятни тезкор ва тўлиқ фош этиш учун муҳим бўлган маълумотларни ўз вақтида олиш имкониятининг мавжуд эмаслиги дастлабки тергов органлари фаолиятида процессуал муддатлар бузилишига олиб келиб, иш бўйича исботланиши талаб қилинадиган ҳолатлар қисқа муддатда ва ҳар томонлама текшириб чиқилишига тўсиқ бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сон ҳамда 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон фармонларига мувофиқ, шунингдек, тергов фаолиятини янада рақамлаштириш ва ишни судга қадар юритиш жараёнида ягона электрон ҳужжат алмашинуви тизимини йўлга қўйиш мақсадида:

1. Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлигининг суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятини рақамлаштириш ҳамда ишни судга қадар юритиш масалалари бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи «Электрон суриштирув ва дастлабки тергов» ягона ахборот тизимини (кейинги ўринларда — Ягона тергов ахборот тизими) жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

ишни судга қадар юритиш босқичида жиноятларга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш ва жиноят иши бўйича суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш учун давлат органлари ҳамда ташкилотлар ўртасида тезкор ахборот алмашиш;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 29 январда эълон қилинган.

суриштирувчи ва терговчиларнинг қарорлари, топшириқлари, кўрсатмалари ҳамда бошқа хабарномаларини тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотларга электрон ҳужжат кўринишида юбориш, шунингдек, уларга жавобларни мазкур тарзда қабул қилиш;

жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш чораларини кўриш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида гумон қилинувчи, айбланувчининг мол-мулкани хатлаш, шунингдек, қидирув эълон қилинган айбланувчиларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган чеклов чораларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўз вақтида амалга ошириш.

## 2. Белгилаб қўйилсинки:

Ягона тергов ахборот тизими орқали ишни судга қадар юритиш масалаларида электрон ҳужжат алмашиш Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси, Давлат божхона кўмитаси ҳамда Миллий гвардиянинг суриштирув ва тергов органлари (кейинги ўринларда — суриштирув ва тергов органлари) томонидан амалга оширилади;

Ягона тергов ахборот тизимининг бошқа ахборот тизимлари билан интеграциялашуви, унинг узлуксиз ишлаши, ахборот хавфсизлиги таъминланиши учун Бош прокуратура масъул ҳисобланади;

Ягона тергов ахборот тизими Бош прокуратуранинг Маълумотларни қайта ишлаш маркази серверларида сақланади.

## 3. «Электрон суриштирув ва дастлабки тергов» ягона ахборот тизими доирасида суриштирув ва тергов органлари билан электрон ҳамкорликни амалга оширувчи давлат органлари ҳамда ташкилотлар (кейинги ўринларда — ҳамкорлик қилувчи ташкилотлар) рўйхати 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлигига Ягона тергов ахборот тизими доирасида ҳамкорлик қилувчи ташкилотлар рўйхатини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда кенгайтириш ҳуқуқи берилсин.

## 4. Белгилансинки, суриштирув ва тергов органлари ҳамда ҳамкорлик қилувчи ташкилотлар ўртасидаги жиноятларга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш, жиноятларни тергов қилиш масалалари бўйича идоралараро электрон ҳамкорлик қуйидаги талабларга қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилади:

мавжуд маълумотларнинг тезкорлиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш ҳамда ахборот хавфсизлиги талабларига жавоб берувчи махсус алоқа каналидан фойдаланиш;

ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг ахборот тизимларига тўғридан-тўғри уланиш ёки уларнинг маълумотлар базаларини Ягона тергов ахборот тизимида такрорлаш ва мунтазам янгилаб бориш ёхуд ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг ахборот тизимларини Ягона тергов ахборот тизими билан интеграция қилиш;

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва ҳамкорлик қилувчи ташкилотлар ўртасида тузиладиган электрон ҳамкорлик тўғрисидаги келишувлар ва лойиҳа-техник ҳужжатлар (технологик йўриқнома) талабларига амал қилиш.

Бунда, банк сирини ташкил этувчи маълумотлар суриштирув ёки тергов органларига суриштирувчи ёхуд терговчининг асослантирилган қарорига биноан прокурор санкцияси билан электрон ҳужжат тарзида тақдим этилади.

5. Қуйидагилар:

«Электрон суриштирув ва дастлабки тергов» ягона ахборот тизимини давлат органлари ва ташкилотларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича «йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага\* мувофиқ;

«Электрон суриштирув ва дастлабки тергов» ягона ахборот тизими доирасида суриштирув ва тергов органлари билан электрон ҳамкорликни амалга ошириш схемаси 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Бош прокуратура Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда ҳамкорлик қилувчи ташкилотлар билан биргаликда:

электрон ҳамкорлик тўғрисидаги келишувлар тузилишини ва зарур лойиҳа-техник ҳужжатлар (технологик йўриқнома) ишлаб чиқирилишини;

электрон ҳамкорлик қилиш доирасида ишлаб чиқиладиган лойиҳа-техник ҳужжатларнинг ваколатли органлардан экспертизадан ўтказилишини;

ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан ўзаро интеграция қилинишини ҳисобга олган ҳолда Ягона тергов ахборот тизими ишга туширилишини таъминласин.

7. Белгилансинки:

Ягона тергов ахборот тизими билан давлат органлари ва ташкилотларнинг ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали жисмоний ва юридик шахслар ҳақидаги мавжуд маълумотлар суриштирув ва тергов органларининг электрон сўрови бўйича бепул асосда тақдим этилади;

дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ҳамда Ягона тергов ахборот тизимидаги веб-хизматларни яратиш суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш ваколатига эга давлат органларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг мавжуд ахборот тизимларини Ягона тергов ахборот тизимига интеграция қилишга сарфланадиган харажатлар ушбу ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

ҳамкорлик қилувчи ташкилотлар томонидан Ягона тергов ахборот тизими технологик йўриқномасининг ўзгаришига олиб келадиган ҳар қандай такомиллаштириш Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади ҳамда Ягона тергов ахборот тизимига интеграция қилиниши шарт;

суриштирув ва тергов фаолиятини рақамлаштиришда зарур компьютер

---

\* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ва бошқа ускуналарни харид қилиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш, ўз ходимларини электрон рақамли имзо билан таъминлаш тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда ҳамкорлик қилувчи ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Бош прокуратура Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда:

Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда — Бюро) Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш маркази билан ҳамкорликда 2022 йил 1 майдан Ягона тергов ахборот тизимининг синов версиясини, 2022 йил 1 августдан тўлиқ версиясини ишга туширсин;

Ягона тергов ахборот тизимини жорий этиш жараёнида ҳамкорлик қилувчи ташкилотлар ахборот тизимлари билан ўзаро интеграция қилиш масалаларини ҳал этишда тегишли қонунчилик ҳужжатлари талабларига тўлиқ риоя қилинишини таъминласин;

уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Белгилаб қўйилсинки:

а) Ягона тергов ахборот тизимини, шу жумладан Ички ишлар вазирлигининг буюртмаси асосида бошқа ахборот тизимларини ишлаб чиқиш Бюро билан тузилган шартномага мувофиқ Бюронинг Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш маркази (кейинги ўринларда — Марказ) томонидан амалга оширилади;

б) Марказ томонидан бажарилган ишлар учун шартномага мувофиқ ўтказилган маблағлар Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасида жамланади, ушбу маблағлар бўйича алоҳида ҳисоб юритилади ва фақат қўйидаги мақсадларга йўналтирилади:

Ягона тергов ахборот тизимини ишлаб чиқишга жалб этилган ходим-мутахассисларни моддий рағбатлантиришга;

бошқа мутахассисларни (дастурчилар, компьютер тизимлари ва тармоқлари хавфсизлиги, автоматлаштирилган тизимларда маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича мутахассислар, компьютер муҳандислари, веб-дизайнерлар ва бошқалар) шартномавий-ҳуқуқий асосда жалб этишга.

10. Ягона тергов ахборот тизимини суриштирув ва тергов органлари фаолиятига жорий этиш ва уни такомиллаштириш доирасида қўйидагиларни назарда тутувчи тартиб жорий этилсин:

суриштирув ва тергов органларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари негизида ташкил этилади;

суриштирув ва тергов органларининг ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини ривожлантириш, уларни давлат органлари ва ташкилотлар ахборот тизимлари билан интеграция қилиш Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Марказ томонидан таъминланади;

суриштирув ва тергов органлари томонидан Муҳаммад ал-Хоразмий



номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари билан биргаликда ҳар йили 1 декабрга қадар кейинги йил учун суриштирув ва тергов органлари ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитишни ташкил этишнинг тармоқ жадваллари ҳудудлар кесимида тасдиқланади.

11. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари Б.Б. Валиев ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари Н.С. Тураходжаев белгилансин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Б.Д. Исламов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 28 январь,  
ПҚ-105-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**29 Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар  
ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатда суд тизимини демократлаштириш, судлар фаолияти шаффофлигини таъминлаш, аҳоли билан мулоқотни кенгайтириш ва одил судловни амалга оширишда жамоатчилик ролини кучайтиришга қаратилган салмоқли ишлар бажарилди.

Олий суднинг расмий веб-сайтида барча суд қарорлари доимий равишда эълон қилинмоқда, судлар ўз қарорларининг мазмун-моҳиятини суд процесси иштирокчиларига тушунтириб келмоқда, суд раислари ҳар чоракда оммавий ахборот воситалари билан брифинглар ўтказмоқда.

Шу билан бирга, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузил-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 29 январда эълон қилинган.

ган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судларнинг, айниқса, маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айлантириш зарур бўлиб ҳисобланади.

Жамиятда маъмурий судларга бўлган ишончни янада ошириш мақсадида давлат органлари томонидан суд қарорлари ижро этилиши устидан назоратнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш талаб этилади.

Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда маъмурий суд ишларини юритишни халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш мақсадида:

1. Маъмурий судларнинг биринчи навбатдаги вазифаси фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларида қонун устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда улар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Олий суд Судьялар олий кенгаши ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда давлат органлари қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқишда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳақиқий ҳимоячисига айлантиришга қаратилган қўйидаги тартибларни процессуал қонун ҳужжатларида белгиланишини таъминласин:

маъмурий суд ишларини юритишни «суднинг фаол иштироки» тамойили асосида амалга ошириш, бунда маъмурий судларга ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш мажбуриятини юклаш, ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига эса далилларни йиғишда фақат ўз имконияти доирасида иштирок этишга шароит яратиш;

ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо билан бирга унга сабабий боғланишда бўлган зарарни ундириш талабини ҳам маъмурий судга билдириш ҳуқуқини тақдим этиш ҳамда бундай талабларни кўриб чиқишни маъмурий судлар ваколатига ўтказиш;

маъмурий судларнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан ижро қилинмаган тақдирда, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан суд жарималарини қўллаш;

оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича тарафлар ўртасида ярашувга эришиш механизмларини жорий қилиш.

3. Жамиятда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳақиқий ҳимоячисига айлантириш мақсадида мазкур қарорнинг 2-бандига асосан процессуал қонун ҳужжатларида белгиланаётган тартиблар доирасида қўйидагилар назарда тутилсин:

тарафларга, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича келишув битимини тузиш ҳуқуқини бериш;

давлат органлари ёки ташкилотлари оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича ҳал қилув қарорини у қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ой давомида ижро қилиш ҳамда бу ҳақда маъмурий судга хабар бериш;

давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича суд ҳужжати ижро қилинмаганлиги учун давлат органлари ёки ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан суд жаримасини қўллаш;

давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича ҳал қилув қарорининг такроран ижро қилинмаганлиги учун давлат органлари ёки ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан дастлаб қўлланилган суд жаримасини оширилган миқдорда қўллаш.

4. Олий суд ва Судьялар олий кенгашининг қўйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

судлар томонидан даъво аризаси, ариза ҳамда шикоятни судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли қабул қилишни рад этиш ёки иш бўйича иш юртишни тугатишни тақиқлаш, бунда даъво аризаси, ариза, шикоят ёки ишни уларни кўриб чиқишга ваколатли судга ўтказиш;

маъмурий суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорида аниқланган ҳолатлар бошқа ишни кўраётган фуқаролик ишлари бўйича суд учун мажбурий ҳисобланишини белгилаш;

бир суд иши доирасида баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришни тақиқлаш.

5. Олий суд, Судьялар олий кенгаши:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларини, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ходимларини маъмурий судлар фаолияти ва уларнинг жамиятда қонунийликни таъминлашдаги роли билан батафсил таништириш бўйича чора-тадбирларни назарда тутувчи «Йўл харитаси» тасдиқланиши ва изчил амалга оширилишини;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари биноларининг фуқаролар қабули учун ажратилган махсус жойларида маъмурий судларнинг ижро органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашдаги ўрни ва улар томонидан кўриладиган ишлар ҳақида тушунтириш берадиган баннерларнинг кўринарли қилиб жойлаштирилишини ҳамда ижтимоий роликларнинг доимий асосда намойиш этилишини;

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда маъмурий юстиция, унинг аҳамияти ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишда самарали ҳуқуқий механизм ҳисобланиши

бўйича тематик кўрсатувлар ҳамда ижтимоий роликларнинг доимий равишда намоёни этилишини таъминласин.

6. Олий суд манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда судлар томонидан даъво аризаси, ариза, шикоят ёки ишни уни кўриб чиқишга ваколатли судга ўтказиш бўйича «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини;

уч ой муддатда оммавий-ҳуқуқий низоларни ҳал этиш бўйича ижобий халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини;

бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларнинг киритилишини таъминласин.

7. Олий суд Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ҳозирда фуқаролик ишлари бўйича ҳамда иқтисодий судлар томонидан кўрилаётган оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган барча ишларни, шу жумладан акцептсиз тартибда ундириладиган ижро ҳужжати устидан шикоят қилиш билан боғлиқ ишларни маъмурий судлар тааллуқлилигига ўтказиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 29 январь,  
ПҚ-107-сон

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**30** Олий таълим муассасаларида таълим соҳалари (таълим йўналишлари) бўйича бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативларини тасдиқлаш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3345*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 164-сон «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва 2020 йил 26 августдаги 517-сон «Республика олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва бошқа тоифадаги ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Олий таълим муассасаларида таълим соҳалари (таълим йўналишлари) бўйича бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативлари 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ТОШКУЛОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 30 декабрь,  
53-2021-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 24 январда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
олий ва ўрта махсус таълим вазирининг  
2021 йил 30 декабрдаги  
53-2021-сон буйруғига  
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 16 октябрдаги 18-2017-сон «Олий таълим муассасаларида таълим соҳалари блоклари ва шакллари бўйича бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2945, 2017 йил 7 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 45-сон, 1123-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 14 сентябрдаги 22-2018-сон «Олий таълим муассасаларида таълим соҳалари блоклари ва шакллари бўйича бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2945-1, 2018 йил 10 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 41-сон, 817-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ  
АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**31** Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2764-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сон «Илмий ва инновацион фаолиятни бошқариш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2016 йил 28 январдаги 220/2-сон қарори (рўйхат рақами 2764, 2016 йил 17 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил 7-сон, 69-модда) билан тасдиқланган Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**А. ЮСУПОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 5 январь,  
ИНЛ-1880/21-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий  
аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил  
5 январдаги ИНЛ-1880/21-сон қарорига  
ИЛОВА

**Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг учинчи хатбошисидаги ва иловадаги «муассасанинг» деган сўзлар «ташкилотнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 4-банддаги «муассаса» ва «илмий ташкилот ва таълим муассасалари»

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 24 январда эълон қилинган.

деган сўзлар тегишли равишда «ташкилот» ва «илмий ва таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 5-бандда:

биринчи хатбошидаги «муассасада» деган сўзлар «ташкилотда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «муассасаларда» деган сўзлар «ташкилотларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Илмий ёки таълим ташкилотлари (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) раҳбариятига ўзлари раҳбарлик қилаётган ташкилотда, вазирлик ва идоралар раҳбариятига ўзлари раҳбарлик қилаётган тизимдаги ташкилотларда малакавий имтиҳонларни топширишига рухсат этилмайди. Бунда ОАК томонидан ташкилот раҳбарияти ёки вазирлик ва идоралар раҳбариятининг мурожаатига асосан, улар малакавий имтиҳонларни топшириши мумкин бўлган ташкилотлар (малакавий имтиҳонларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар орасидан) белгилаб берилади.»

4. 6-бандда:

биринчи хатбошидаги «муассасалар» деган сўзлар «ташкилотлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Муассаса» ва «муассасага» деган сўзлар тегишли равишда «Ташкилот» ва «ташкилотга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «муассасалар», «муассасага» ва «Муассасалар» деган сўзлар тегишли равишда «ташкилотлар», «ташкилотга» ва «Ташкилотлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 7-банднинг биринчи хатбошисидаги «муассасаларда муассаса» деган сўзлар «ташкилотларда ташкилот» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 10-бандда:

биринчи хатбошидаги «муассаса» ва «муассасанинг» деган сўзлар тегишли равишда «ташкилот» ва «ташкилотнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «муассасага» ва «муассаса» деган сўзлар тегишли равишда «ташкилотга» ва «ташкилот» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 13, 18, 22 ва 27-бандлардаги «муассаса» деган сўзлар «ташкилот» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 14-банднинг биринчи хатбошисидаги «муассасалар» ва муассасада» деган сўзлар тегишли равишда «ташкилотлар» ва «ташкилотда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 17-банддаги «Муассасалар» ва «муассасада» деган сўзлар тегишли равишда «Ташкилотлар» ва «ташкилотда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 20-банддаги «муассасада» ва «муассаса» деган сўзлар тегишли равишда «ташкилотда» ва «ташкилот» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 23-банддаги «муассаса(лар)га» деган сўз «ташкилот(лар)га» деган сўз билан алмаштирилсин.

12. 24-банддаги «Муассасалар» деган сўз «Ташкилотлар» деган сўз билан алмаштирилсин.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ  
АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**32 Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2793-7*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПФ–6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 24 июлдаги ПФ–6269-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сон «Илмий ва инновацион фаолиятни бошқариш тизimini ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2021 йил 22 октябрдаги 655-сон «Олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2016 йил 28 апрелдаги 224/8-сон қарори (рўйхат рақами 2793, 2016 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 22-сон, 260-модда) билан тасдиқланган Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

Тошкент ш.,  
2022 йил 5 январь,  
ИНЛ-1878/21-сон

**А. ЮСУПОВ**

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 24 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий  
аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил  
5 январдаги ИНЛ-1878/21-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга критилаётган ўзгартиришлар**

1. 5, 12 ва 19-бандлардаги «ҳарбий» деган сўзлар «ҳарбий ҳамда ҳарбийлаштирилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 23-банддаги «таълим муассасаси ва илмий ташкилотда» деган сўзлар «илмий ва таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Иловада:

а) 3-банддан «(паспорт нусхаси ёки идентификация ID-картаси маълумотлари илова қилинади)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) 4-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ**

### **33 Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга ўзгартиш киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1778-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ  
**буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2008 йил 4 мартдаги 56-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1778, 2008 йил 20 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 12-13-сон, 78-модда) билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низом муқаддимасидаги «ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари» деган сўзлар «Қонуни» деган сўз билан алмаштирилсин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 27 январда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. САИДОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 27 декабрь,  
38-тн-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**34** Умумий ўрта таълим муассасасининг кузатув кенгаши ҳақидаги намунавий низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3118-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ–6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2018 йил 26 декабрдаги 16-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3118, 2019 йил 11 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.01.2019 й., 10/19/3118/2468-сон) билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим муассасасининг кузатув кенгаши ҳақидаги намунавий низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. САИДОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 27 декабрь,  
39-тн-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 27 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
халқ таълими вазирининг 2021 йил  
27 декабрдаги 39-тн-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Умумий ўрта таълим муассасасининг кузатув кенгаши  
ҳақидаги намунавий низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. 3-бандда:  
учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;  
тўртинчи ва бешинчи хатбошилар учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.
2. 5-бандда:  
иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;  
учинчи — саккизинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.
3. 12-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ёки ҳудудий бошқармаларига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ёки Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасига (бундан буён матнда ҳудудий бошқармалар деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
4. 27-бандда:  
иккинчи ва учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;  
тўртинчи — олтинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи — тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ  
АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**35** Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2893-5*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПФ–6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 24 июлдаги ПФ–6269-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сон «Илмий ва инновацион фаолиятни бошқариш тизimini ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/3-сон қарори (рўйхат рақами 2893, 2017 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 568-модда) билан тасдиқланган Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**А. ЮСУПОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 5 январь,  
ИНЛ-1874/21-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 27 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий  
аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил  
5 январдаги ИНЛ-1874/21-сон қарорига  
ИЛОВА

**Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги  
низомига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг иккинчи ва саккизинчи хатбошиларидаги, 3-банднинг биринчи хатбошисидаги, 11-банддаги ва 35-банднинг биринчи хатбошисидаги «илмий ташкилот ёки таълим муассасаси» деган сўзлар «илмий ёки таълим ташкилоти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 4-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «илмий ташкилот ва таълим муассасалари» деган сўзлар «илмий ва таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «илмий ташкилот ёки таълим муассасасида» деган сўзлар «илмий ёки таълим ташкилотида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 46-банднинг саккизинчи хатбошисидаги «илмий ташкилотлар ҳамда таълим муассасаларининг» деган сўзлар «илмий ҳамда таълим ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 2-илованинг 3 ва 4-бандлари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 9-иловада:

7-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

8-банддан «олий маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси; фан доктори (DSc) илмий даражаси талабгори учун фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд унга тенглаштирилган бошқа илмий даража дипломининг нусхаси;» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**36** Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3097-5*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июндаги ПФ-6240-сон «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 28 октябрдаги 228-сон буйруғи (рўйхат рақами 3097, 2018 йил 11 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.12.2018 й., 10/18/3097/2314-сон) билан тасдиқланган Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 39-бандидаги «Ўзстандарт» агентлиги қошидаги Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаментига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида давлат назорати департаментига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 13 январь,  
16-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 27 январда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**37** Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3179-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПФ-6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2019 йил 23 августдаги 217-сон буйруғи (рўйхат рақами 3179, 2019 йил 30 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.08.2019 й., 10/19/3179/3675-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандида:

учинчи — бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

олтинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи хатбошидан «(илоvasи билан)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бош прокурор**

**Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 21 январь,  
257-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 27 январда эълон қилинган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**38** Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773-7*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 сентябрдаги ПФ-6310-сон «Божхона тартиб-таомилларини содалаштириш ва давлат божхона хизмати органлари ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 29 февралдаги 01-02/15-07-сон қарори (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 14-сон, 133-модда) билан тасдиқланган Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан кучга киради.

**Раис**

**А. МАВЛОНОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 29 декабрь,  
01-02/12-59-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил  
29 декабрдаги 01-02/12-59-сон қарорига  
ИЛОВА

**Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги  
йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 12-банднинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «мансабдор шахси» деган сўзлар «ходими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 16-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ БЮД қоғозга чоп этилганда божхона органининг ваколатли ходими электрон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 27 январда эълон қилинган.

БЮДдаги маълумотлар акс этирилган ҳар бир вараққа тегишли штамп қўяди, уни ўз имзоси ва шахсий рақамли муҳри (агар божхона органи ходимига шахсий рақамли муҳр бириктирилмаган бўлса, божхона органининг муҳри) билан тасдиқлайди, қоғознинг юқори ўнг бурчагини эса «Нусха» ёзуви билан белгилайди.».

3. 22-банднинг 5-кичик банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Графада мазкур Йўриқноманинг 4-илоvasида келтирилган Божхона постлари таснифлагичига мувофиқ БЮД тақдим этиладиган божхона постининг бешта рақамли коди кўрсатилади;».

4. 25-банднинг 5-кичик банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Графада Божхона постлари таснифлагичига мувофиқ БЮД тақдим этиладиган божхона постининг бешта рақамли коди кўрсатилади;».

5. 28-банднинг 2-кичик банди учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1 — ташқи савдо контрактининг (шартномасининг, келишувининг) Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимидаги идентификация рақами (бундан олиб чиқиладиган товарлар ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) ижросига боғлиқ бўлмаган ҳоллар мустасно);».

6. 43-банд «8,» рақамидан кейин «9, 11,» рақамлари билан тўлдирилсин.

7. 45-бандда:

а) биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«45. БЮДнинг 9, 11, 44, 45, 46, 49, 50 ва «С» графаларини тўлдириши қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:»;

б) 1-кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) 9-графа. «Молиявий тартибга солиш учун жавобгар шахс».

Графада ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви)ни тузган ва ушбу контракт (шартнома, келишув) бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун жавобгар бўлган юридик ёки жисмоний шахс тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Графа мазкур Йўриқноманинг 25-бандида белгиланган тартиб асосида тўлдирилади.

Товарлар Олиб кириш контракти асосида олиб кирилмаган ҳолларда графани тўлдириш талаб этилмайди;»;

в) қуйидаги мазмундаги 1<sup>1</sup>, 1<sup>2</sup>-кичик бандлар билан тўлдирилсин:

«1<sup>1</sup>) 11-графа. «Савдо қилинаётган мамлакат».

Графанинг чап бўлмасида савдо қилинаётган мамлакатнинг Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ рақамли коди кўрсатилади.

БЮДнинг 9-графасида кўрсатилган шахс билан ташқи савдо контрактини (шартномасини, келишувини) тузган шахс рўйхатга олинган ёки доимий яшайдиган, мазкур контрактга (шартномага, келишувга) мувофиқ товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ёки унинг ижроси юзасидан товарларнинг божхона режими ўзгартириладиган мамлакат савдо қилинаётган мамлакат ҳисобланади.

Мамлакат ёки ҳудуд Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валю-

та операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 2467, 2013 йил 12 июнь) 1-илоvasида келтирилган Имтиёзли солиқ режими бериладиган ва (ёки) молиявий операциялар амалга оширилганда ошкор этиш ва ахборот бериш назарда тутилмайдиган давлат ва ҳудудлар (оффшор ҳудудлар) рўйхатга киритилган бўлса, графанинг ўнг бўлмасида «1» коди кўрсатилади. Агар мамлакат ёки ҳудуд мазкур хатбошида назарда тутилган Рўйхатга киритилган бўлмаса, графанинг ўнг бўлмасида «2» коди кўрсатилади.

Товарлар Олиб кириш контракти асосида олиб кирилмаган ҳолларда графани тўлдириш талаб этилмайди;

1<sup>2)</sup> 44-графа. «Кўшимча маълумотлар/тақдим этилаётган ҳужжатлар».

Графа товарларни олиб чиқишда мазкур Йўриқноманинг 22-бандида, олиб киришда — 25-бандида белгиланган тартибда тўлдирилади.

Графада қуйидагилар кўрсатилади (маълумотларнинг ҳар бири янги сатрдан бошланади):

товарнинг кузатув ҳужжатларининг рақамлари (рўйхат рақамлари);

товарларни божхона омборига жойлаштираётган шахс билан божхона омбори эгаси ўртасидаги битим рақами ва санаси;

божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар ва маълумотлар (божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги баённомалар, товарларни божхона омбори мақомига эга бўлмаган бинолар ва (ёки) очиқ майдонларга жойлаштирилганда ваколатли шахснинг аризаси ва божхона тўловлари тўланиши таъминланишини тасдиқловчи ҳужжат номи, рақами, санаси, суммаси ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар);

905 тартиб рақами остида товарни божхона омбори божхона режими остида сақланиши сабабларига оид қуйидаги кодлардан бири кўрсатилади:

«001» — агар товарнинг сақланиш сабаби тегишли сертификат олиш билан боғлиқ бўлса;

«002» — агар товарнинг сақланиш сабаби тегишли рухсатнома ва лицензия олиш билан боғлиқ бўлса;

«003» — агар товарнинг сақланиш сабаби божхона тўловлари бўйича имтиёз олиш билан боғлиқ бўлса;

«004» — агар товарнинг сақланиш сабаби тегишли шартнома билан боғлиқ бўлса;

«005» — агар товарнинг сақланиш сабаби молиявий маблағ йўқлиги билан боғлиқ бўлса;

«006» — агар товарнинг сақланиш сабаби кейинчалик товарни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан қайтариб олиб чиқиб кетилиши кутилаётганлиги билан боғлиқ бўлса;

«007» — агар товарнинг сақланиш сабаби товарни бошқа шахсга ўтказилиши кутилаётганлиги билан боғлиқ бўлса;

«008» — агар товарнинг сақланиш сабаби товарга нисбатан тақиқ қўйилганлиги билан боғлиқ бўлса;»;

г) 6-кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) «С» графа.

Графада қуйидагилар кўрсатилади:

товарлар Олиб кириш контракти асосида олиб кирилганда, 1 рақами остида ташқи савдо контрактининг (шартномасининг, келишувининг) Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимидаги идентификация рақами;

2 рақами остида товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган сана кўрсатилади. Олиб кирилган сана Ўзбекистон Республикаси чегарасидан ўтиш пунктидаги чегара божхона постида товарнинг кузатув ҳужжатларига қўйиладиган штамп санаси бўйича аниқланади.»

8. 88-банднинг 5-кичик банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Графада Божхона постлари таснифлагичига мувофиқ БЮД такдим этиладиган божхона постининг бешта рақамли коди кўрсатилади;».

9. 90-бандда:

а) биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«90. Божхона органи томонидан графаларнинг тўлдирилиши:»;

б) 6-кичик бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Электрон БЮДда мазкур графада божхона органи томонидан ушбу БЮДда баён этилган товарларга нисбатан қабул қилинган қарор ҳақидаги божхона органи белгилари (ёзувлари) кўрсатилади. Божхона органи белгилари (ёзувлари) божхона органи ходимининг ЭРИСи билан тасдиқланади, бундан автоматлаштирилган тарзда расмийлаштирилган БЮДлар мустасно.»;

учинчи хатбошидаги «мансабдор шахсининг» деган сўзлар «ходимининг» деган сўз билан алмаштирилсин;

10. 91-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«91. Қоғоз шаклдаги БЮД орқали товарларни вақтинчалик олиб кириш ёки вақтинчалик олиб чиқиш божхона режимларига декларациялашда божхона органи ходими томонидан, БЮДнинг 1 ва 3-нусхаларидаги «С» графаси қуйида келтирилган тартибда тўлдирилади:

«С» графанинг 3-бандида — вақтинчалик олиб кириш муддатлари узайтирилганда «20\_\_» «\_\_» «\_\_» гача узайтирилди» ёзуви қайд этилади.».

11. 92-банднинг еттинчи хатбошисидаги «мансабдор шахсининг» деган сўзлар «ходимининг» деган сўз билан алмаштирилсин.

12. 4-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига\* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

13. 12-иловада:

а) қуйидаги мазмундаги 38<sup>10</sup> — 38<sup>17</sup>-позициялар\*\* билан тўлдирилсин:

б) қуйидаги мазмундаги 69<sup>14</sup> — 69<sup>17</sup>-позициялар\*\* билан тўлдирилсин:

14. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

\*\* 38<sup>10</sup> — 38<sup>17</sup>, 69<sup>14</sup> — 69<sup>17</sup>-позициялар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Келишилди:

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

**А. ИКРАМОВ**

*2021 йил 2 декабрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**39** **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3287-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдаги ПҚ-5263-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 24 февралдаги 2-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3287, 2021 йил 24 февраль) (Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.02.2021 й., 10/21/3287/0153-сон) билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 27 январь,  
1-мх-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 27 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2022 йил 27 январдаги  
1-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг  
коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчалар**

1. 1-бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи ва еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«**илмий эксперт** — илмий ташкилот ёки олий таълим муассасасининг Қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича экспертлар реестрига киритилган вакили;

«**мустақил эксперт** — Қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича экспертлар реестрига киритилган жисмоний шахс;»;

олтинчи хатбоши тегишли равишда саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Коррупциявий омиллар ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ Услубиёт (бундан буён матнда Услубиёт деб юритилади) асосида аниқланади, бунда коррупцияга қарши экспертиза ўтказилаётганда норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки лойиҳанинг ҳар бир нормаси ёхуд қонуннинг таҳлили амалга оширилади.».

3. Қуйидаги мазмундаги 12<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«12<sup>1</sup>. Лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизаси мустақил ва илмий экспертлар томонидан ўз ташаббусига кўра ёки давлат органлари ва ташкилотларнинг буюртмалари асосида ушбу Низомнинг 4<sup>1</sup>-бобида белгиланган тартибда ўтказилади.».

4. 13, 21 ва 25-бандлардаги «Методика» деган сўз «Услубиёт» деган сўз билан алмаштирилсин.

5. Қуйидаги мазмундаги 20<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«20<sup>1</sup>. Лойиҳа ишлаб чиқувчи томонидан чеклист тўлдирилмаган ҳолда адлия органларига киритилган тақдирда, ушбу лойиҳа ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан ишлаб чиқувчига қайтарилади.».

6. 26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Давлат органлари ва ташкилотлар томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси ҳар йили Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (кейинги ўринларда — Вазирлар Маҳкамаси) томонидан тасдиқланадиган амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режасига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси

публикаси Президентининг 2019 йил 2 ноябрдаги ПҚ-4505-сон «Хуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторинги доирасида ўтказилади.

Давлат органлари ва ташкилотлар ўзларининг ташаббуслари асосида ҳам амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишлари мумкин.».

7. Қуйидаги мазмундаги 26<sup>1</sup> — 26<sup>4</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«26<sup>1</sup>. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режасида белгиланган муддатларда давлат органлари ва ташкилотлар амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ҳамда натижалари бўйича тўлдирилган чеклист ва аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан таклифларни Адлия вазирлигига киритади.

26<sup>2</sup>. Адлия вазирлиги давлат органлари ва ташкилотлар томонидан коррупцияга қарши экспертиза натижалари бўйича аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан таклифларни умумлаштиради ҳамда коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади.

26<sup>3</sup>. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича «Йўл харитаси» Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

26<sup>4</sup>. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси мустақил ва илмий экспертлар томонидан ўз ташаббусига кўра ёки давлат органлари ва ташкилотларнинг буюртмалари асосида ушбу Низомнинг 4<sup>1</sup>-бобида белгиланган тартибда ўтказилади.».

8. 28-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

9. Қуйидаги мазмундаги 4<sup>1</sup>-боб билан тўлдирилсин:

**«4<sup>1</sup>-боб. Мустақил ва илмий экспертлар томонидан  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларини  
коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш**

29<sup>1</sup>. Мустақил ва илмий экспертлар ўз ташаббусига кўра, шунингдек давлат органлари ва ташкилотларнинг буюртмаларига асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш.

29<sup>2</sup>. Мустақил ва илмий экспертлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси Услуга асосида чеклишни тўлдириш ёки хулоса тузиш орқали ўтказилади.

29<sup>3</sup>. Мустақил ва илмий экспертлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш:

давлат органлари ва ташкилотларнинг буюртмаларига асосан амалга оширилганда мустақил ва илмий экспертлар томонидан коррупцияга қарши экспертиза натижалари бўйича чеклист тўлдирилади;

мустақил ва илмий экспертларнинг ўз ташаббусига кўра амалга оширилганда коррупцияга қарши экспертиза натижалари бўйича ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда хулоса тузилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларида коррупциявий омиллар аниқланган тақдирда, чеклистда ёки хулосада уларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ва чоралар кўрсатилиши шарт.

29<sup>4</sup>. Мустақил ва илмий экспертлар томонидан давлат органлари ва ташкилотларнинг буюртмаларига асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш натижалари бўйича тўлдирилган чеклист буюртма берган давлат органлари ва ташкилотга юборилади.

29<sup>5</sup>. Мустақил ва илмий экспертларнинг ўз ташаббусига асосан ўтказилган коррупцияга қарши экспертиза натижалари бўйича тузилган хулоса:

амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинадиган соҳада ягона давлат сиёсатини юритишга масъул бўлган давлат органи ва ташкилотга юборилади;

лойиҳалар бўйича ушбу лойиҳаларни ишлаб чиқувчиларга юборилади.

29<sup>6</sup>. Мустақил ва илмий экспертлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича тўлдирилган чеклист ёки хулосалар тегишли давлат органлари ва ташкилотларга келиб тушган кундан бошлаб 15 кун ичида мажбурий кўриб чиқилади.

Кўриб чиқиш натижалари бўйича чеклист ёки хулосада кўрсатилган ҳар бир коррупциявий омил қабул қилинганлиги ёки қабул қилинмаганлиги асослантирилган маълумотнома тузилади.

29<sup>7</sup>. Мустақил ва илмий экспертлар томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш натижалари бўйича тўлдирилган чеклист ёки хулосаларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан тузилган маълумотнома имзоланган куни экспертиза ўтказган мустақил ёки илмий экспертга ва тегишли адлия органларига юборилади.

29<sup>8</sup>. Мустақил ва илмий экспертлар томонидан лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш натижалари бўйича тўлдирилган чеклист ёки хулосаларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан тузилган маълумотнома имзоланган куни экспертиза ўтказган мустақил ёки илмий экспертга (барча ҳолларда) ҳамда адлия органларига (лойиҳани ҳуқуқий экспертиза учун киритиш вақтида) юборилади.

29<sup>9</sup>. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш жараёнларини мувофиқлаштириш, лойиҳа ишлаб чиқувчилари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан мустақил ва илмий экспертларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш, шунингдек, Қонун-



чилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича экспертлар реестрига тегишли маълумотларни киритиш Адлия вазирлигининг Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси томонидан амалга оширилади.»

10. 5-бобнинг номидаги «адлия органи ходимининг» деган сўзлар «давлат органлари ва ташкилотлар, адлия органлари ходимларининг ҳамда мустақил ва илмий экспертларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 30 ва 31-бандларнинг биринчи хатбошиларидаги «адлия органи ходимининг» деган сўзлар «давлат органлари ва ташкилотлар, адлия органлари ходимларининг ҳамда мустақил ва илмий экспертларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 32-банддан «мустақил экспертлар ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

13. 2-илованинг номидаги «МЕТОДИКАСИ» деган сўз «УСЛУБИЁТИ» деган сўз билан алмаштирилсин.

14. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ тахрирда 4-илова билан тўлдирилсин.

15. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан келишилган.

*Келишилди:*

*Коррупцияга қарши курашиш  
агентлиги директори*

*А. БУРХАНОВ*

*2022 йил 26 январь*

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар  
лойиҳаларининг коррупцияга қарши  
экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
низомга киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчаларга  
ИЛОВА

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар  
лойиҳаларининг коррупцияга қарши  
экспертизасини ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларини  
коррупцияга қарши мустақил ва илмий экспертизадан  
ўтказиш натижалари бўйича  
ХУЛОСА**

\_\_\_\_\_ йил

\_\_\_\_\_ -сон

Мустақил (илмий) эксперт \_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

томонидан \_\_\_\_\_

(норматив-ҳуқуқий ҳужжат (лойиҳаси) номи (ишлаб чиқувчи) ва реквизитлари)

коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилди ва натижаси бўйича қуйида-  
гилар маълум қилинади.

1. Нормаларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий мувофиқлиги билан боғлиқ  
бўлган коррупциявий омилларнинг мавжудлиги: **мавжуд/мавжуд эмас.**

**коррупциявий омил мавжуд норма:** \_\_\_\_\_

**келиб чиқиши мумкин бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузар-  
лик:** \_\_\_\_\_

**келиб чиқиши мумкин бўлган коррупциявий омилни барта-  
раф этиш бўйича таклиф:** \_\_\_\_\_

2. Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган корруп-  
циявий омилларнинг мавжудлиги: **мавжуд/мавжуд эмас.**

**коррупциявий омил мавжуд норма:** \_\_\_\_\_

**келиб чиқиши мумкин бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузар-  
лик:** \_\_\_\_\_

**келиб чиқиши мумкин бўлган коррупциявий омилни барта-  
раф этиш бўйича таклиф:** \_\_\_\_\_

3. Маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган коррупциявий  
омилларнинг мавжудлиги: **мавжуд / мавжуд эмас.**

**коррупциявий омил мавжуд норма:** \_\_\_\_\_

келиб чиқиши мумкин бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик: \_\_\_\_\_.

келиб чиқиши мумкин бўлган коррупциявий омилни барта-  
раф этиш бўйича таклиф: \_\_\_\_\_.

4. Назорат билан боғлиқ бўлган коррупциявий омилларнинг мавжудлиги: **мавжуд / мавжуд эмас.**

коррупциявий омил мавжуд норма: \_\_\_\_\_.

келиб чиқиши мумкин бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик: \_\_\_\_\_.

келиб чиқиши мумкин бўлган коррупциявий омилни барта-  
раф этиш бўйича таклиф: \_\_\_\_\_.

5. Бошқа турдаги коррупциявий омилларнинг мавжудлиги:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
*Эксперт тўғрисидаги маълумотлар*

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_  
(шахсий имзо)

**Реестр рақами:**

**Тел:**

**Электрон почта манзили:».**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI  
HUZURIDAGI DAVLAT TEST MARKAZINING  
QARORI

**40** Toshkent davlat yuridik universiteti qoshidagi akademik litseyga o‘qishga qabul qilish uchun test sinovlarini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2022-yil  
27-yanvarda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3346*

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 22-noyabrdagi 705-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tizimidagi ta’lim muassasalari faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi va Davlat test markazi **qaror qiladi:**

1. Toshkent davlat yuridik universiteti qoshidagi akademik litseyga o‘qishga qabul qilish uchun test sinovlarini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Adliya vaziri**

**R. DAVLETOV**

Toshkent sh.,  
2022-yil 27-yanvar,  
1-son

**Davlat test  
markazi direktori**

**M. KARIMOV**

Toshkent sh.,  
2022-yil 27-yanvar,  
01/QQ-son

---

\* Ushbu qaror “Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi”da 2022-yil 27-yanvarda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
Adliya vazirligi va Vazirlar Mahkamasi  
huzuridagi Davlat test markazining 2022-yil  
27-yanvardagi 1 va 01/QQ-son qaroriga  
ILOVA

**Toshkent davlat yuridik universiteti qoshidagi akademik  
litseyga o'qishga qabul qilish uchun test sinovlarini o'tkazish  
tartibi to'g'risidagi  
NIZOM**

Mazkur Nizom O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 22-noyabrdagi 705-son "O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tizimidagi ta'lim muassasalari faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq Toshkent davlat yuridik universiteti qoshidagi akademik litseyga (bundan buyon matnda akademik litsey deb yuritiladi) o'qishga qabul qilish uchun test sinovlarini o'tkazish tartibini belgilaydi.

**1-bob. Umumiy qoidalar**

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

**abituriyent** — akademik litseyga o'qishga kirish uchun belgilangan tartibda ro'yxatdan o'tgan va test sinovlarida ishtirok etuvchi jismoniy shaxs;

**abituriyent ruxsatnomasi** — pasport, identifikatsiya ID-kartasi yoki tug'ilganlik to'g'risidagi guvohnoma bilan birgalikda abituriyentning belgilangan sana va vaqtda test sinovlarida ishtirok etishiga ruxsat beradigan hujjat;

**Davlat test markazi vakili** — O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi (bundan buyon matnda Davlat test markazi deb yuritiladi) direktorining buyrug'i bilan tayinlanadigan, test sinovlari o'tkaziladigan tegishli binoda belgilangan vazifa va majburiyatlar bo'yicha amalga oshiriladigan tadbirlarga umumiy rahbarlik qiluvchi hamda test sinovi ishtirokchilarining vazifalariga muvofiq harakatini nazorat qiluvchi va amaliy yordam ko'rsatuvchi xodim;

**bino rahbari** — Davlat test markazi direktorining buyrug'i bilan tayinlanadigan, belgilangan vazifa va majburiyatlar bo'yicha binodagi guruh nazoratchilari va abituriyentlar harakatlariga umumiy rahbarlikni bajaruvchi, nazorat qiluvchi va amaliy yordam ko'rsatuvchi xodim;

**guruh nazoratchisi** — Davlat test markazi bilan tuzilgan shartnoma asosida shartnomada belgilangan vazifa va majburiyat bo'yicha test sinovlarida abituriyentlar harakatiga umumiy rahbarlikni amalga oshirish, test sinovining belgilangan tartib bo'yicha o'tishini qat'iy nazorat qilishga mas'ul bo'lgan va abituriyentlarga test sinovini topshirish tartibi bo'yicha amaliy yordam ko'rsatish uchun jalb qilingan va test sinovlari o'tkazilishi bilan bog'liq seminarda ishtirok etgan shaxs;

**test topshiriqlari kitobi** — belgilangan fanlar majmuasi bo'yicha test topshiriqlarini o'z ichiga olgan savollar to'plami;

**javoblar varaqasi** — test topshiriqlari kitobidagi har bir topshiriqning bajarilishi natijasida tanlangan javobning bittasini belgilashga mo'ljallangan va abituriyentning bilimini baholash uchun asos hisoblanadigan yagona hujjat;

**qabul komissiyasi** — akademik litseyga o'qishga qabul qilishni tashkil etish, shu jumladan abituriyentlarga maslahat xizmatlari ko'rsatish maqsadida har yili tuziladigan komissiya.

2. Akademik litseyga o'qishga qabul qilishni tashkil etish uchun Toshkent davlat yuridik universiteti rektori buyrug'i bilan qabul komissiyasi tuziladi.

3. Qabul komissiyasi test sinovlariga tayyorgarlik ko'rish va ularni o'tkazish bilan bog'liq quyidagi vazifalarni bajaradi:

qabul komissiyasining e'lonlar taxtasiga hamda akademik litseyning rasmiy veb-saytiga har yili 20-iyunga qadar mazkur Nizom, ta'lim yo'nalishlari, ta'lim shakli va o'qitish tili bo'yicha qabul kvotalari, ularga muvofiq test sinovlari o'tkaziladigan fanlar majmuasi hamda test topshiriladigan ta'lim yo'nalishlari ro'yxatini joylashtirish;

qabul jarayonini uyushqoqlik bilan, tartibli tashkil etish, abituriyentlarga ularning test sinovlari jarayonidagi vazifalari, huquq va majburiyatlarini tushuntirish, test sinovlari jarayoni bo'yicha maslahatlar, ko'rsatmalar berish;

abituriyentni test sinovlari qoidalari bilan to'liq tanishtirish;

ro'yxatdan o'tgan abituriyentlarning test sinovi jarayoniga qatnashishini nazoratga olish;

ro'yxatdan o'tgan abituriyentlarning ma'lumotlarini 24 soat ichida tekshirish va tasdiqlash, agarda kiritilgan ma'lumotlarda kamchiliklar mavjudligi aniqlansa, ularni abituriyentlar bilan bog'langan holda bartaraf etish.

## 2-bob. Hujjatlarni qabul qilish

4. Abituriyentlar test sinovlarida ishtirok etish uchun Davlat test markazining rasmiy veb-sayti orqali ro'yxatdan o'tadilar.

Qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda imtiyozga ega bo'lgan abituriyentlar imtiyoz huquqini tasdiqlovchi hujjatlarini ham ilova qilishlari lozim.

Ro'yxatdan o'tish jarayonida abituriyentlar tomonidan kiritilmagan imtiyoz huquqini tasdiqlovchi hujjatlar inobatga olinmaydi.

Abituriyentlar ro'yxatdan o'tishda o'zlari tomonidan kiritilgan ma'lumotlarning to'g'riligi va haqqoniyligi uchun mas'ul hisoblanadi.

Ro'yxatdan o'tishda qabul komissiyasi tomonidan ma'lumotlari tasdiqlanmagan abituriyentlarga abituriyent ruxsatnomasi berilmaydi va ular test sinovlariga qo'yilmaydi.

5. Abituriyentlarni ro'yxatdan o'tkazish har yili 20-iyundan 10-iyulga qadar (shu kuni ham) amalga oshiriladi.

Ushbu muddatlarda abituriyentlarni ro'yxatdan o'tkazish imkoniyati bo'lmasa, O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi Davlat test markazi bilan

kelishgan holda ro'yxatdan o'tkazish muddatini bu haqda abituriyentlarni kamida o'n kun avval xabardor qilgan holda o'zgartirishi mumkin.

6. Ro'yxatdan o'tgan abituriyentlar soni haqidagi kunlik ma'lumotlar Akademik litseyning rasmiy veb-saytiga joylashtirib boriladi.

7. Ro'yxatdan o'tishning belgilangan muddati tugagandan so'ng abituriyentlar tomonidan Davlat test markazining rasmiy veb-saytiga kiritilgan ma'lumotlarga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish qat'iy taqiqlanadi.

8. Abituriyent ruxsatnomasi test sinovlarini o'tkazish belgilangan sanadan uch ish kuni oldin Davlat test markazining rasmiy veb-saytidan yoki qabul komissiyasidan olinishi mumkin.

9. Abituriyentlar abituriyent ruxsatnomasida ko'rsatilgan sana va vaqtda test sinovlarida ishtirok etadi.

Abituriyent uchun mazkur sana va vaqt qat'iy hisoblanib, unga boshqa sana va vaqtda test sinovlarida ishtirok etish uchun ruxsat berilmaydi.

10. Abituriyent tomonidan topshirilgan hujjatlarning qalbakiligi yoki soxtaligi aniqlansa, u holda abituriyent test sinovlaridan chetlashtiriladi hamda hujjatlari belgilangan tartibda huquqni muhofaza qiluvchi organlarga tegishli choralar ko'rish uchun yuboriladi.

### **3-bob. Test sinovlarini o'tkazishga tayyorgarlik ko'rish**

11. Test sinovlari Davlat test markazi tomonidan o'tkaziladi.

12. Test sinovlari katta sig'imdagi binolarda ochiqlik va shaffoflik ta'minlangan holda o'tkaziladi.

Test sinovlari o'tkaziladigan binolar O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi bilan kelishilgan holda Davlat test markazi tomonidan belgilanadi.

13. Test sinovlarini mazkur Nizom talablariga muvofiq tashkil etish va o'tkazish bo'yicha mas'uliyat bino rahbari, guruh nazoratchilari va Davlat test markazi vakili, shuningdek, qabul komissiyasi zimmasiga yuklanadi.

14. Test sinovlarini o'tkazish jadvali O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi bilan kelishilgan holda Davlat test markazi tomonidan tasdiqlanadi.

15. Test sinovlari o'tkaziladigan binolarda test sinovlari jarayonini to'liq nazorat qilish maqsadida bino elektron soat, ovoz kuchaytirish vositalari, 30 nafar abituriyent uchun bitta videokuzatuv tizimi o'rnatiladi.

16. Test sinovlari o'tkaziladigan binolarda Davlat test markazining vakiliga test materiallarini saqlash, tarqatish va yig'ib olish uchun mo'ljallangan yetarli miqdorda stol, stullar, kompyuter, skaner, statsionar telefon aloqasi, doimiy videokuzatuv va seyf bilan ta'minlangan maxsus xona (shtab) tayyorlanadi.

17. Test sinovlari o'tkaziladigan binolarda test sinovlarini o'tkazish uchun zarur bo'lgan texnik, tibbiy va maishiy sharoitlar yaratilishi, test sinovlari o'tkaziladigan binolar sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari hamda yong'in xavfsizligi qoidalariga to'liq javob berishi shart.

18. Test sinovlari jarayonini to'liq nazorat qilish maqsadida 30 nafar abituriyentdan iborat guruhlar tashkil etiladi.

Bino va guruhlarning alohida tartib raqami takrorlanmaydigan ketma-ketlikda raqamlangan bo'lishi lozim.

19. Har bir guruh alohida o'tirish o'rniga ega bo'lgan 30 tadan stol va stul bilan ta'minlanib, stollar birdan o'ttizgacha raqamlanishi lozim.

Har bir guruhga ikki nafargacha guruh nazoratchilari birlashtiriladi.

20. Bino rahbari va guruh nazoratchilari Davlat test markazi direktori buyrug'i asosida tayinlanadi.

21. Davlat test markazi vakili:

bino rahbarlari va guruh nazoratchilariga umumiy rahbarlik qiladi hamda ularga amaliy yordam ko'rsatadi;

test sinovlarining boshlanishi va tugashini qat'iy nazorat qilish, tezkor axborotlarni Davlat test markaziga yuborish, test sinovlarini adolatli, xolisona va mazkur Nizomda belgilangan talablar asosida o'tishini ta'minlaydi.

22. Davlat test markazi vakili o'ziga yuklangan vazifalarni samarali amalga oshirish uchun qabul komissiyasiga ko'rsatma berish, mazkur Nizom talablariga amal qilmagan bino rahbarini, guruh nazoratchisini va abituriyentni test sinovlari jarayonidan chetlashtirish, shuningdek chetlashtirilgan bino rahbari yoki guruh nazoratchilari o'rniga boshqa bino rahbari yoki guruh nazoratchilarini tayinlash huquqiga ega.

23. Davlat test markazi vakili Davlat test markazi direktorining buyrug'i bilan almashtirilishi mumkin.

#### **4-bob. Test sinovlarini o'tkazish**

24. Test sinovlari har yili iyul oyida Davlat test markazi tomonidan, kuniga ikki smenada o'tkaziladi. Birinchi smena soat 09:00 da, ikkinchi smena soat 15:00 da boshlanadi.

Test topshiriqlarini bajarish uchun (javoblar varaqasini to'ldirish bilan birga) har 30 ta test topshirig'iga 1 soat vaqt belgilanadi.

25. Test sinovlari o'tkaziladigan kunda Davlat test markazi tomonidan berilgan ruxsatnoma asosida Davlat test markazi vakili, bino rahbarlari va guruh nazoratchilari test sinovlari o'tkazilayotgan hududga kirishi mumkin.

Bunda, Davlat test markazining ruxsatnomasi bo'lmagan shaxslar test sinovlari o'tkazilayotgan hududga kirishi taqiqlanadi.

26. Qabul komissiyasining raisi va mas'ul kotibi Davlat test markazi tomonidan taqdim etilgan ruxsatnoma asosida hamda unda belgilangan muddatda test sinovlari o'tkaziladigan binodagi shtabda test sinovlari jarayoni kuzatuvchisi sifatida ishtirok etadi.

27. Abituriyentlar binoga pasport, identifikatsiya ID-kartasi yoki tug'ilganlik to'g'risidagi guvohnoma va abituriyent ruxsatnomasi bilan tegishli navbat bo'yicha kiritiladi.

28. Abituriyentlar test sinovlari o'tkaziladigan kunda birinchi smenada soat 8:30 gacha (ikkinchi smenada 14:30 gacha) test sinovlari o'tkaziladigan binoga kiritiladi. Birinchi smenada soat 8:30 dan keyin (ikkinchi smenada 14:30 dan keyin) abituriyentlar test sinovlari o'tkaziladigan binoga kiritilmaydi.



29. Davlat test markazi vakili, bino rahbari va guruh nazoratchilari soat 6:00 ga qadar test sinovlari o'tkaziladigan binoga yetib keladi va test sinovlarini o'tkazish tartibiga qat'iy rioya qilishni tashkil qiladi.

Davlat test markazi vakili bino rahbarlari va guruh nazoratchilarining ro'yxatini va ularning ruxsatnomalarini hamda abituriyentlar ro'yxatini nazorat xizmat postlariga yetkazishni ta'minlaydi, qur'a tashlash yo'li bilan guruh nazoratchilarini guruhlarga taqsimlashni amalga oshiradi, shuningdek test materiallarini tarqatish va qabul qilish bayonnomasini rasmiylashtiradi.

30. Bino rahbari guruh nazoratchilariga birinchi smenada soat 06:00 dan 06:30 gacha (ikkinchi smenada soat 13:00 dan 13:30 gacha) ularning ruxsatnomalarini tarqatadi va taqsimotini rasmiylashtiradi hamda birinchi smenada soat 06:30 dan 07:00 gacha (ikkinchi smenada soat 13:00 dan 13:30 gacha) abituriyentlarning guruhlarga bo'yicha ro'yxatini (ikki nusxada) va test materiallarini tarqatadi va qabul qilish bayonnomasini rasmiylashtiradi.

31. Test sinovlari o'tkaziladigan hududga yoki binoga kirish joylarida tekshiruv vaqtida abituriyent va guruh nazoratchilarida mikrokalkulyator, lug'at, jadval, kitob, uyali telefon, kompyuter, telekommunikatsiya vositalari, shpargalkalar mavjudligi, shuningdek barmoq izlari va fotosurati tekshirilgan vaqtda shaxsi tasdiqlanmaganligi aniqlangan taqdirda, bu haqida Davlat test markazining vakilini xabardor qilinib, ularni test sinovlariga kiritmaslik to'g'risida dalolatnoma rasmiylashtiriladi.

32. Guruh nazoratchilari birinchi smenada soat 8:30 gacha (ikkinchi smenada soat 14:30 gacha) abituriyentlarning shaxsni tasdiqlovchi hujjatlarini guruh ro'yxati bilan tekshirgan holda test sinovlari o'tkaziladigan binoga kiritadi. Abituriyentlar ro'yxatda ko'rsatilgan o'ringa o'tiradi.

Test sinovlarini o'tkazish vaqtida imtihonga kelmagan abituriyentlar o'rni bo'sh qoladi.

33. Guruh nazoratchilari abituriyentlar guvohligida test materiallari joylashtirilgan qutilar va abituriyentlar ro'yxati hamda javob varaqalari solingan paketlarning muhrlanganligiga ishonch hosil qilib, shundan so'ng ularni ochadi.

Guruh nazoratchilari test sinovlari kitoblari hamda javob varaqalarini tartib bilan tarqatadi.

34. Guruh nazoratchilari test sinovlari boshlangunga qadar abituriyentlarni javoblar varaqalarini to'ldirish qoidalari bilan tanishtiradi va abituriyentlar tomonidan tegishli bo'limga o'zi to'g'risidagi shaxsiy ma'lumotlar kiritiladi.

35. Bino rahbari abituriyentlarni test topshiriqlari kitobining muqovasida va javoblar varaqasida ko'rsatilgan tegishli joylarni rasmiylashtirish zarurligi hamda javoblar varaqasini ko'k rangdagi pastali sharikli ruchkadan boshqa rangda foydalanib to'ldirish, javoblar varaqasini bukish, marker chizig'iga yozish, javoblar varaqasi raqami ostida joylashgan doirachalarni bo'yash test sinovlarini o'tkazish talablarini buzish deb hisoblanishi haqida ogohlantiradi.

Davlat test markazi vakili bino rahbari va guruh nazoratchilariga test sinovlari o'tkazishning belgilangan tartibini buzgan abituriyentlarni chetlashtirish bo'yicha ko'rsatma beradi.

36. Abituriyent tomonidan birinchi smenada soat 08:30 dan 09:00 gacha

(ikkinchi smenada soat 14:30 dan 15:00 gacha) test materiallarining nuqsonsizligi tekshirilishi, agarda test materiallarida nuqsonlar aniqlansa, darhol guruh nazoratchisiga xabar berishi lozim.

Shuningdek, abituriyent javoblar varaqasi to'g'ri to'ldirilishini ta'minlashi hamda test topshiriqlari kitobi muqovasida va javoblar varaqasida ko'rsatilgan tegishli joylarni rasmiylashtirishi kerak.

37. Guruh nazoratchisi birinchi smenada soat 09:00 gacha, ikkinchi smenada soat 15:00 gacha quyidagi ishlarni amalga oshiradi:

abituriyentlarga test topshiriqlari kitobi va javob varaqalarini olganligini tasdiqlovchi imzo qo'ydiradi, shuningdek abituriyentlar ro'yxati to'ldirilgan ro'yxatning bir nusxasini bino rahbariga beradi;

test topshiriqlari kitobida nuqson mavjudligi aniqlansa, uning birinchi betiga "yaroqsiz" deb yozadi, almashtirilgan vaqtini ko'rsatadi hamda abituriyentning familiyasi, ismi, otasining ismini yozgan holda imzolaydi va ushbu holat haqida dalolatnoma tuziladi.

Bunda, murojaat qilgan abituriyentga "yaroqsiz" deb topilgan test topshiriqlari kitobi o'rniga guruhdagi test sinovlarida qatnashmagan abituriyent uchun ajratilgan test topshiriqlari kitobini beradi. Agarda guruhda ortiqcha test topshiriqlari kitobi bo'lmasa, bino rahbaridan zaxiradagi shu ta'lim yo'nalishi va tiliga mos bo'lgan test topshiriqlari kitobini berishni so'raydi. Mazkur jarayon dalolatnoma bilan rasmiylashtiriladi;

abituriyent test sinoviga kelmagan taqdirda guruh ro'yxatiga "qatnashmadi" degan yozuv kiritadi.

38. Bino rahbari birinchi smenada 09:00 da (ikkinchi smenada 15:00) test sinovlari boshlanganligini e'lon qiladi.

39. Abituriyent javoblar varaqasini to'g'ri to'ldirilishi uchun shaxsan mas'ul hisoblanadi. Javoblar varaqasining tegishli bo'limlarini to'g'ri to'ldirmagan abituriyentlarning e'tirozlari ko'rib chiqilmaydi.

40. Abituriyent o'zi tanlagan va test topshiriqlari kitobidagi javobga mos keladigan javoblar varag'idagi tegishli doirani to'ldiradi. Bunda, har bir test topshirig'i bo'yicha to'g'ri javobga faqat bitta doira to'ldiriladi.

Agar javoblar varaqasidagi "belgilash uchun namuna" qoidasiga rioya etilmasa, shu jumladan bitta test topshirig'iga javoblar varaqasida tegishli doiracha bo'yalmasa yoki ikki va undan ortiq doiracha bo'yalsa yoxud to'liq bo'yalmasa, ushbu test topshirig'iga ball hisoblanmaydi.

41. Abituriyentlarga test sinovlari materiallarini bir-biriga uzatish va boshqalarga yordam berish, shuningdek o'zaro gaplashish taqiqlanadi.

42. Test sinoviga mikrokalkulyator, lug'at, kitoblar, shpargalkalar, uyali telefon, kompyuter yoki boshqa aloqa va telekommunikatsiya vositalarini olib kirishga harakat qilgan yoki olib kirgan, test sinovi jarayonida test sinovi materiallarini boshqalarga uzatgan yoki yordam bergan, test sinovi uchun ajratilgan vaqt tugaganidan keyin test sinovi materiallarini topshirmagan, test sinovi materiallarini bino tashqarisiga olib chiqqan abituriyent test sinovi o'tkazish tartibini buzgan hisoblanadi.

43. Test sinovlari davomida abituriyentlarga test sinovlari o'tkaziladigan

binodan chiqish taqiqlanadi. O‘zboshimchalik bilan test sinovlari o‘tkaziladigan binoni tark etgan abituriyentlar test sinovlari o‘tkazish tartibini buzgan hisoblanadi. Sog‘lig‘ining yomonlashishi va boshqa zarur holatlarda test sinovlari materiallarini qoldirib, kuzatuv ostida test sinovlari o‘tkaziladigan joydan chiqishiga ruxsat beriladi.

44. Test sinovlari o‘tkazishning belgilangan tartibini buzgan abituriyentlar test sinovlaridan chetlashtiriladi va bu haqda test sinovlaridan chetlashtirish bo‘yicha bino rahbari va guruh nazoratchisi tomonidan dalolatnoma rasmiylashtiriladi.

45. Test sinovlaridan chetlashtirilgan abituriyentlarning javoblar varaqasi tekshirilmaydi.

46. Bino rahbari test sinovlari vaqti tugaganligini e‘lon qiladi va guruh nazoratchilariga test topshiriqlari kitobi va javoblar varaqalarini yig‘ishga ko‘rsatma beradi.

47. Test sinovlari uchun ajratilgan vaqt tugagandan so‘ng abituriyentlar test materiallarini topshiradi, belgilangan muddatdan oldin javob berishni tugatgan abituriyentlar, test materiallarini muddatidan oldin topshirishlari mumkin.

48. Guruh nazoratchilari abituriyentlardan test topshiriqlari kitobi va javoblar varaqasiga shikast yetmaganligini tekshirib qabul qilib oladi.

Test sinovlarida qatnashgan abituriyentlarning javoblar varaqalari, “yaroqsiz” deb topilgan test topshiriqlari kitobi, abituriyentlarning guruhlar bo‘yicha ro‘yxatining ikkinchi nusxasi javoblar varaqasi paketiga solinadi va paket muhrlanadi.

Ishlatilgan va ishlatilmagan test topshiriqlari kitoblari test materiallari qutisiga joylashtiriladi.

49. Guruh nazoratchisi test sinovlari uchun belgilangan vaqt tugagandan so‘ng 20 daqiqa ichida javoblar varaqasi paketi va test topshiriqlari kitobi qutilarini muhrlaydi hamda muhrlangan javoblar varaqasi paketi va test topshiriqlari kitobi qutilarini bino rahbariga topshiradi.

Bino rahbari esa topshirish vaqtini qayd etib, tegishli reyestrda imzo qo‘yadi.

50. Bino rahbari abituriyentlarning guruhlar bo‘yicha ro‘yxati, test materiallari hamda bino bo‘yicha to‘plangan javob varaqalari paketlari solingan va muhrlangan qutilarni Davlat test markazi vakiliga (Davlat feldyegerlik xizmatiga) topshirilishini ta‘minlaydi.

51. Test sinovlari natijalari Davlat test markazining rasmiy veb-saytida e‘lon qilinadi.

### **5-bob. Test sinovlari natijasi bo‘yicha berilgan apellyatsiyalarni ko‘rib chiqish**

52. Test sinovlari natijasidan norozi bo‘lgan abituriyentlarning shikoyatlarini ko‘rib chiqish uchun Davlat test markazi tomonidan O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi bilan kelishgan holda Apellyatsiya komissiyasi tuziladi.

Apellyatsiya komissiyasi tarkibiga Toshkent davlat yuridik universiteti, yuridik ta'lim muassasalari, fakultetlari mutaxassislari va fanlar bo'yicha ekspertlar kiritiladi.

53. Test sinovlari natijasidan norozi bo'lgan abituriyent apellyatsiya komissiyasiga test sinovlari natijasi e'lon qilingandan boshlab uch ish kuni ichida yozma tartibda apellyatsiya shikoyati berish huquqiga ega.

54. Apellyatsiya komissiyasiga taqdim etilgan apellyatsiya shikoyati u kelib tushgan kundan boshlab uch ish kunidan oshmagan muddatda ko'rib chiqiladi. Abituriyent apellyatsiya shikoyatini ko'rib chiqishda ishtirok etish huquqiga ega. Apellyatsiya shikoyati ko'rib chiqiladigan kun haqida abituriyentga xabarnoma beriladi.

55. Apellyatsiya bergan abituriyent xabarnomada belgilangan vaqtda apellyatsiya komissiyasiga o'zining pasport, identifikatsiya ID-kartasi yoki tug'ilganlik to'g'risidagi guvohnoma bilan kelishi shart.

56. Abituriyent Apellyatsiya komissiyasining apellyatsiya shikoyatini ko'rib chiqish natijalari bo'yicha qabul qilgan qarori yuzasidan qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda sudga shikoyat qilishi mumkin.

### **6-bob. Yakuniy qoida**

57. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javobgar bo'ladilar.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги**  
**маълумотни маълум қилади**

**1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 30 декабрдаги 53-2021-сон «Олий таълим муассасаларида таълим соҳалари (таълим йўналишлари) бўйича бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

**2022 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3345.**

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 5 январдаги ИНЛ-1880/21-сон «Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2022 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2764-3.**

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 5 январдаги ИНЛ-1878/21-сон «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2022 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2793-7.**

4. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2021 йил 27 декабрдаги 39-тн-сон «Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга ўзгартиш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2022 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1778-3.**

5. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2021 йил 27 декабрдаги 39-тн-сон «Умумий ўрта таълим муассасасининг кузатув кенгаши ҳақидаги намунавий низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2022 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3118-1.**

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 5 январдаги ИНЛ-1874/21-сон

«Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

*2022 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилди рўйхат рақами 2893-5.*

7. Ўзбекистон Республикаси фавқулудда вазиятлар вазирининг 2022 йил 13 январдаги 16-сон «Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

*2022 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3097-5.*

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2022 йил 21 январдаги 257-сон «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

*2022 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3179-2.*

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 29 декабрдаги 01-02/12-59-сон «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

*2022 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773-7.*

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 27 январдаги 1-мх-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

*2022 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3287-1.*

11. O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi va Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazining 2022-yil 27-yanvardagi 1 va 01/QQ-son «Toshkent davlat yuridik universiteti qoshidagi akademik litseyga o'qishga qabul qilish uchun test sinovlarini o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida»gi qarori.

*2022-yil 27-yanvarda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3346.*

## **II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 16 октябрдаги 18-2017-сон «Олий таълим муассасаларида таълим соҳалари блоклари ва шакллари бўйича бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативларини тасдиқлаш тўғри-

сида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2945, 2017 йил 7 ноябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2945-1, 2018 йил 10 октябрь).

*2022 йил 24 январда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

